


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИДАГИ ИЛМИЙ
ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ОЛИМЛАРИ
ТОМОНИДАН ДАВЛАТ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ДАСТУРЛАРИ
ДОИРАСИДА 2012-2014 ЙИЛЛАРДА БАЖАРИЛГАН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ВА ИННОВАЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ
ЯКУНИЙ ҲИСОБОТЛАРИ БЎЙИЧА**

РЕФЕРАТЛАР ТЎПЛАМИ



ТОШКЕНТ

37
4-17

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХҮЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазирлиги тизимидағи илмий ва олий
таълим муассасалари олимлари томонидан давлат
илмий-техника дастурлари доирасида 2012-2014
йилларда бажарилган илмий-амалий ва
инновация лойиҳаларининг якуний ҳисоботлари
бўйича

РЕФЕРАТЛАР ТЎПЛАМИ

ТОШКЕНТ – 2016

УЎК: 001(075)

КБК 4Ф

Р-45

Р-45

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидағи илмий ва олий таълим муассасалари олимлари томонидан давлат илмий-техника дастурлари доирасида 2012-2014 йилларда бажарилган илмий-амалий ва инновация лойиҳалари натижаларининг якуний ҳисоботлари бўйича рефератлар тўплами. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2016, 272 бет.

ISBN 978-9943-998-66-7

Мазкур китобда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидағи илмий ва олий таълим муассасалари олимлари томонидан давлат илмий-техника дастурлари доирасида 2012-2014 йилларда тупроқшунослик, шамол ва сув эрозияси, тупроқ унумдорлигини ошириш, ўсимликшунослик, қишлоқ хўжалиги экинлари ва мева-узум селекцияси, уруғчилиги ва кўчачтилиги, уларни парваришлаш, касаллик ва зааркундалардан ҳимоя қилиш агротехникалари ва усуллари, чорвачилик, ипакчилик ва ветеринария, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш, ирригация ва сув муаммолари, қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти йўналишларида бажарилган илмий-амалий ва инновация лойиҳаларининг якуний ҳисоботлари бўйича рефератлар келтирилган.

Рефератлар тўплами илмий ва олий таълим муассасаларида, идора ва ташкилотларда илмий тадқиқотларни ташкил этиш билан шуғулланувчи ходимлар, эксперталар, олимлар, профессор-ўқитувчилар, катта илмий ходим - изланувчилар, мустакил тадқиқотчилар ва магистрлар учун мўлжалланган.

Китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг КА-2-006 илмий-амалий лойиҳаси ижроилари томонидан нашрга тайёрланган.

УЎК: 001(075)

КБК 4Ф

Илмий раҳбар:

Б.Сулаймонов – биология фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

М.Тошболтаев – техника фанлари доктори, профессор

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишилаб чиқарии маркази Ҳайъат қарорига асосан чоп этилди.

ISBN 978-9943-998-66-7

КИРИШ

Мазкур китобда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидағи илмий ва олий таълим муассасалари олимлари, профессор-ўқитувчилари томонидан давлат илмий-техника дастурлари доирасида 2012-2014 йилларда бажарилган илмий-амалий ва инновация лойиҳалари натижаларининг рефератлари келтирилган.

Маълумки, реферат – илмий тадқиқот натижалари мазмунининг ёзма шаклдаги қисқача ифодасидир. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир рефератда бажарилган тадқиқотнинг асосий натижалари, уларни қўлланиш соҳаси (тармоғи, йўналиши) ва жорий этиш бўйича тавсиялар, ишнинг илмий ёки амалий аҳамияти, кутилаётган ёки эришилган иқтисодий (ижтимоий) самараדורлик, тадқиқот обьектининг кейинги босқичлари (инновация, материаллаштириш, ишлаб чиқаришда фойдаланиш)да ва истиқболда ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир лойиҳа раҳбарининг прогноз таклифлари ихчам шаклда баён этилган.

Китобдан фойдаланувчиларга енгиллик туғдириш мақсадида рефератлар илмий ва олий таълим муассасалари кесимида қўйидаги тартибда жойлаштирилган:

- Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти (ТАИТИ) бўйича;
- Ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти (ЎИТИ) бўйича;
- Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти (ПСУЕАИТИ) бўйича;
- Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти (ДДЭИТИ) бўйича;
- Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти (СПЭКИТИ) бўйича;
- Қорақалпоғистон дәхқончилик илмий тадқиқот институти (ҚҚДИТИ) бўйича;
- Академик М.Мирзаев номли Бөғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти (БУВИТИ) бўйича;
- Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишилаб чиқариш маркази (МБЎХРИИЧМ) бўйича;
- Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий тадқиқот институти (ЎзЎҲҚИТИ) бўйича;
- ТИМИ қошидаги Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти (ИСМИТИ) бўйича;

- Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий тадқиқот институти (ҚҲМЭИ) бўйича;
- Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик илмий тадқиқот институти (ЧПБИТИ) бўйича;
- Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институти (ҚЧЭИТИ) бўйича;
- Ипакчилик илмий тадқиқот институти (ИИТИ) бўйича;
- Ветеринария илмий тадқиқот институти (ВИТИ) бўйича;
- ТошДАУ қошидаги Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий тадқиқот институти (ҚХИИТИ) бўйича;
- Тошкент давлат аграр университети (ТошДАУ) бўйича;
- Тошкент ирригация ва мелиорация институти (ТИМИ) бўйича;
- Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти (СамҚХИ) бўйича;
- Андикон қишлоқ хўжалиги институти (АндҚХИ) бўйича;
- “Шифобахш” илмий-ишлаб чиқариш маркази бўйича;
- Қишлоқ ва сув хўжалигида стандартлаштириш маркази бўйича.

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ¹
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ БЎЙИЧА (ТАИТИ)**

КА7-003 (2012-2014, ТАИТИ, Р.Қўзиев) “Фарғона водийси суғориладиган тупроқларининг унумдорлик даражасини баҳолаш ва агроишлаб чиқариш гурухларига ажратиши” мавзусидаги илмий-амалий лойиха бўйича якуний ҳисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – Фарғона водийси Сўҳ-Поп, Водил-Нанай вертикал ва Хонобод-Бешариқ горизонтал йўналишларида танлаб олинган массивлар суғориладиган тупроқларининг унумдорлик даражаси баҳоланди ва агроишлаб чиқариш гурухларига ажратилди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – суғориладиган тупроқларда аниқланган балл бонитети натижалари қишлоқ хўжалик экинларини оптимал жойлаштириш, хусусан, пахта ва ғалла экинларини юқори балли ерларга, шўрга чидамли озуқабоп, дуккакли ва донли экинларни эса паст балли ерларга экиш тавсия этилади.

Қўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги ва давлат ер солиги.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – тадқиқот натижалари ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, ерларнинг меъёрий қийматини ҳисоблаш ва ягона ер солигини тўғри белгилаш, экинлар ҳосилдорлигини режалаштириш, фермерларга дотациялар бериш, тупрок унумдорлигини тиклаш ва ошириш йўлларини белгилашда илмий-методик асос бўлиб хизмат қиласи.

Тадқиқот объектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – тупроқ унумдорлигини ошириш учун унинг барқарор (механик таркиб, гумус микдори ва бошқалар) ва нобарқарор (шўрланиш, озиқа элементлар билан таъминланганлиги ва бошқалар) хусусиятларини бошқаришнинг рационал усусларини ишлаб чиқиш керак. Бошқариш натижасида тупроқларнинг сифати ва қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ошиши таъминланади.

A7-015 (2012-2014, ТАИТИ, Ш.Бобомуродов) "Ердан фойдаланишнинг замонавий шаклларида сугориладиган тупроқлар унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва уни белгилашда геоахборот тизими технологияларини кўллаш" мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа бўйича якуний ҳисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – илк маротаба танланган тажриба майдонида геоахборот дастурларидан фойдаланган ҳолда тупроқ унумдорлиги ва унинг хосса-хусусиятлари ўртасидаги боғлиқликлар ўрганилди.

Тупроқлар унумдорлигини белгилашда тупроқ хосса-хусусиятларининг ўзаро боғлиқлиги геостатистик таҳлил (GA) услубида ArcGIS 9.3 геоахборот дастуридан фойдаланилган ҳолда ўрганилди. Geostatistical Analyst (GA) дастури моделида интерполяция усули орқали тупроқ унумдорлигини белгилашда унинг хосса-хусусиятлари ўртасидаги боғлиқликни ва улардан унумдорликни аниқ характерлайдиган кўрсаткичларни танлаб олиш имкониятини берди. Тажриба участкасининг тупроқ хосса-хусусиятларини акс эттирувчи тупроқ рақамли хариталари яратилди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги Янгиобод массиви тупроқлари мисолида ушбу худуд тупроқ ҳолатини тавсифловчи “Тупроқ геоахборот базаси” яратилди ҳамда унга киритилган маълумотлар ва яратилган рақамли хариталардан амалиётда фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Кўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги, тупроқшунослик, ер кадастри тизими, атроф-мухит хавфсизлиги.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – Геоахборот тизими (ГАТ) дастури тупроқ унумдорлигини аниқлаш учун юқори аниқликдаги хариталарни ишлаб чиқиш, эски услугуга нисбатан тезкорлиги, маълумотларни тақкослаш имкониятларининг юқорилиги, иқтисодий жихатдан афзаллиги ва вақтни тежаш каби имкониятларига эга. Хўжаликлар тупроқ сифатини баҳолашнинг 1:10000 масштабли харитасини тузища кўл меҳнатига қараганда ГАТ дастурларининг имкониятлари жуда юқори – ушбу имкониятни қарагандай 19,5 соат сарфланса, ГАТ ишни тўлиқ туттиш учун кўл меҳнатида 19,5 соат сарфланса, ГАТ дастурларида атиги 32 дақиқа сарфланмоқда.

Тадқиқот обьектиning ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – рақамли тупроқ картографияси бўйича бажарилган ишлар натижаларидан фойдаланиб рақамли тупроқ ва тупроқ-баҳолаш хариталарини яратиш ва улар ёрдамида тупроқ унумдорлиги мезонларини ишлаб чиқиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, ер ресурсларини унумли бошқариш, тупроқ ҳолати имкониятларини ўз вақтида қайд этиш ва зарур чора-тадбирларни белгилаш ўзгаришларини ўз вақтида қайд этиш ва зарур чора-тадбирларни белгилаш имкониятларини беради.

КА-7-010 (2012-2014, ТАИТИ, Р.Қурвантоев) "Дала тажриба майдонлари тупроқларининг умумий физик, физик-механик хоссаларини ва сув режимини уч йил давомида тажриба вариантлари бўйича ўрганиш, янги технологияларининг сугориладиган майдонлар тупроқлари унумдорлигини сақлаш ва ошириш кўрсаткичларига тъсирини ўрганиш" мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа бўйича якуний ҳисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда шудгордан воз кечиш, мульчалаш ва қатор ораларига ишлов бериш сонини камайиши техника воситаларини дала бўйича юришини қисқариши ҳисобига ёнилғи-мойлаш материаллари, ишчи кучи ва харажатларни кескин қисқартиради. Шудгорланмаган, лекин мульчаланган пушта остида кам ишлов берилганда энг мақбул тупроқ шароити ҳосил бўлиши сабабли гўза ва буғдойнинг ўсиши, ривожланиши шудгорланган ерга нисбатан яхшиланди. Тадқиқотда типик бўз тупроқларни ўсимлик қолдиқлари билан мульчалаб, унинг намлиги, нам захираси, озиқ моддалар микдори ва захирасини ошириш мумкинлиги илмий ва назарий жихатдан исботлаб берилди. Мульчалашнинг тупроқни агрокимёвий хоссаларига тъсири аниqlанди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – дехқончиликда ишлатиладиган тупроққа ишлов берувчи машиналар тизими технологик жараёнларни табакалаштириб, мульчалаб кам ишлов беришга мослашган бўлиши лозим. Қишлоқ хўжалик экинларидан арzon, сифатли, барқарор ва юқори ҳосил олиш учун комплекс агротехник тадбирлар тизимига пуштада тупроққа мульчалаб кам ишлов беришни таъминлайдиган экинларни навбатлаб экишни киритиш зарур. Тадқиқот натижалари фермер хўжаликларга амалий фойдаланиш учун топширилди.

Кўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги: тупроқшунослик.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – пахта хосилдорлиги юқори меъёрда ўғит берилган вариантларда ўртача шудгорланган пуштада -37,96 ц/га, мульчалаб шудгорланмаганда - 39,92 ц/га ни ташкил этди. Кўшимча пахта ҳосили: кўп меъёрда ўғит берилганда -1,86 ц/га, меъёрда - 1,57 ц/га. Буғдой бўйича кўшимча ҳосил: кўп меъёрда ўғит берилганда 3,1 ц/га, кам меъёрда 3,8 ц/га.

Тадқиқот обьектиning ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – тупроққа мульчалаб кам ишлов берувчи ва тупроқда кечадиган жараёнларни мақбуллаштиришга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотларни давом эттириш мақсадга мувофиқдир. Зоро, олинадиган янги натижалар тупроқ унумдорлиги, унинг табииятини тиклашга ва йил сайин қишлоқ имкониятларини ошириб боришга ёки бир меъёрда ушлаб турнишга ёрдам беради.

КА7-003 (2012-2014, ТАИТИ, Р.Қўзиев) “Республика сугориладиган зонаси тупроқ қопламларини комплекс ўрганиш, уларни баҳолаш ҳамда деградацияга учраган тупроқлар экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва маҳсулдорлигини оширишнинг самарадор технологияларини ишлаб чиқиши” мавзусидаги илмий-амалий лойиха бўйича якуний ҳисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – Фарғона водийсининг горизонтал ва вертикал зоналлик шароитларида шаклланган, автоморф, яримгидроморф ва гидроморф тупроқлар, уларнинг генезиси, географик тарқалиши, хосса ва хусусиятлари, кечаётган жараёнлар мажмуавий боғлиқликда ўрганилиб, тупроқларнинг ҳозирги мелиоратив-экологик ҳолатлари аниқланди ва баҳоланди.

Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларининг 1:100000 масштабдаги тупроқ ва ерларни баҳолаш карталари, тематик карта ва картограммалари тузилди. Вилоятлар худудида экологик вазиятни мўътадиллаштириш, тупроқларининг мелиоратив-экологик ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини тиклаш, саклаш, ошириш ва муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар ҳамда қишлоқ хўжалик экинларини тўғри жойлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Мазкур вилоятлар сугориладиган тупроқларидан оқилона ва самарали фойдаланиш мақсадида, улар агроишлаб чиқариш ва мелиоратив гурухларга ажратилди ҳамда алоҳида гурухлар учун агротехник ва агромелиоратив тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилди.

Қўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги, атроф-муҳитни муҳофазалаш, ер ресурсларидан фойдаланиш, ер кадастри тизимлари.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – ишлаб чиқилган чора-тадбирлар, тавсиялар, технологиялар ҳамда тузилган карталар ушбу худудда экологик вазиятни яхшилаш, сугориладиган тупроқларда шўрланиш, эрозияга учраш, гумус ва озиқа моддаларининг камайиши, заҳарли моддалар эрозияга учраш, гумус ва озиқа моддаларининг камайиши, заҳарли моддалар ифлосланиш каби салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишга хизмат қиласи. Тупроқларнинг унумдорлигини тиклаш, саклаш ва ошириш йўли билан қишлоқ хўжалик унумдорлигини тиклаш, саклаш ва ошириш йўли билан қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва юқори сифатли ҳосил олиш орқали соҳа ишлаб чиқариши самарадорлигининг ўсишига эришилади.

Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар ерларнинг меъёрий қийматларини ва ягона ер солишини тўғри белгилаш, экинларнинг норматив ҳосидорлигини ҳамда кам унумдор ерларда давлат эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалиги экинларини мақсадли жойлаштириш, фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш режаларини тузиш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Тадқиқот обьектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларининг мутасадди ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган чора-тадбирлар, тавсиялар, технологиилар ҳамда тузилган карталар ишлаб чиқаришга тўлиқ жорий этилади.

А-7-018 (2012-2014, ТАИТИ, Р.Рисқиев) “Сугориладиган тупроқлар таркибидағи поллютантлар, уларнинг тупроқ-сув-ўсимлик оламида ҳаракатланиши. Тупроқларнинг заҳарли таъсирга чидамлилигини ошириш йўллари” мавзусидаги илмий-амалий лойиха бўйича якуний ҳисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – Фарғона водийси сугориладиган тупроқларининг экологик ҳолати аниқланди, уларнинг алмашинувчи алюминий ва сувда эрувчи фтор моддалари билан ифлосланганлик даражаси баҳоланди.

Сўх-Поп вертикал йўналиши тупроқлардаги алюминий миқдори 2.6-53,9 мг/кг оралиқда учраши аниқланди. Тупроқларнинг ҳайдалма қатламидаги алмашинувчи алюминий миқдорининг ўрта арифметик қиймати 32,9 мг/кг. ни ташкил этди.

Водил-Нанай вертикал йўналиши сугориладиган тупроқлари алмашинувчи алюминий билан турли даражада ифлосланган. Сугориладиган тупроқларни алмашинувчи алюминий билан кучсиз даражада ифлосланганлиги, баъзи ҳолларда алюминий миқдори заҳарли юқори миқдорларгача етиши аниқланди. Ушбу тупроқларнинг аскарият қисми сувда эрувчи фтор билан 2-5 РЭМ чегарасида ифлосланган.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – тупроқлар таркибидағи ифлослантирувчи моддалар миқдори бўйича олинган маълумотлар табиатни муҳофаза қилувчи ташкилотлар томонидан атроф-муҳит тозалигини саклашга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиша фойдаланилади.

Кўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – заҳарли кимёвий бирикмаларнинг сугориладиган тупроқлар таркибидағи миқдори бўйича олинган аниқ маълумотлар поллютантларнинг озуқа занжирни бўйлаб ҳаракатланишини пасайтириш ҳамда атроф-муҳитни соғломлаштириш тадбирларини белгилаш имконини беради.

Тадқиқот обьектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – тупроқлардаги заҳарли бирикмаларнинг аниқ ўлчамларини билиш, поллютантларнинг трофик занжир бўйлаб ҳаракатланишини таъминловчи катталикларини аниқлаш асосида табиатни муҳофаза қилувчи ташкилотлар томонидан инсонлар яшаш муҳитини соғломлаштириш бўйича аниқ мақсад сари йўналтирилган ишларни бажариш йўлга кўйилади.

A7-020 (2012-2014, ТАИТИ, А.Каримбердиева) "Фарғона водийси агроландшафтлари тупроқларида микроэлементлар микдорини ўзгариши ва тупроқларни улар билан таъминланганлик даражасини ошириш йўлларини ишлаб чиқиш" мавзусидаги илмий-амалий лойиха бўйича якуний ҳисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – Фарғона водийсида сугориладиган тупроқларнинг ҳаракатчан шаклдаги микроэлементлар билан таъминланган даражамикдори аниқланди. Ўрганилган тупроқлар микроэлементлар билан ҳар хил даражада таъминланган бўлиб, улар билан макроэлементлар орасидаги нисбат ҳам бузилган. Бу ҳолат тупроқ унумдорлигини пасайишига олиб келади.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – микроэлементлари етишмаган сугориладиган тупроқлар тарқалган ер майдонларига органик ва органоминерал ўғитларни компостлар шаклида солиш ва ноанъанавий маҳаллий ўғит ресурслардан фойдаланиш (бентонит, глауконит, ҳар хил чиқиндилар ва х.зо.);

– микроэлементлар микдорининг камайиши олдини олиш учун эрозияга учраган тупроқ унумдор қатламини сақлаб қолиш мақсадида кимёвий ва биологик препаратларни қўллаш;

– сугориладиган тупроқларда макро ва микроэлементлар орасидаги меъёрий нисбат мувозанати бузилмасиги учун органик ва минерал ўғитларни табақалашган ҳолда қўллаш;

– ҳаракатчан шаклдаги микроэлементлар билан кам микдорда таъминланган сугориладиган тупроқлар учун картограмма тузиш ва ўз таркибида микроэлемент сақлайдиган аммофос, мочевина, ноанъанавий ўғитлар, гўнг ва бошқаларни қўллаш зарур.

Қўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги: тупроқшунослик.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – маъдан ўғитларни қўллаш самарадорлигини ошириш тупроқдаги макро- ва микроэлементларнинг мақбул нисбатда таъминлаш даражаси билан боғлиқ.

Етиштирилаётган ўсимликларни ўсиш ва ривожланиш факторларини қониқтириш асосан тупроқдаги микроэлементлар захираларини мобилизацияси ва қисман қўлланилган ўғитлар ҳисобига таъминланади.

Фарғона водийси сугориладиган тупроқларининг унумдорлигини ошириш учун улардаги макро-ва микроэлементлар орасида бўлган меъёрий нисбат мувозанатини бузилмаслигини таъминлаш лозим, микроэлементлар микдорини камайиб кетишини олдини олиш учун органик ўғитлар, ноанъанавий маҳаллий минерал ресурсларидан фойдаланиш ва ўз таркибида микроэлементлар сақлаган минерал ўғитлардан фойдаланиш лозим.

Тадқиқот обьектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – Фарғона водийси асосий сугориладиган тупроқларидағи микроэлементлар микдорини аниқлаш бўйича изланишларни олиб бориш зарур деб ҳисоблаймиз.

Ўсимликларни микроэлементларга бўлган талабини қониқтириш ва микроўғит қўллаш учун тупроқдаги умумий микдорлари билан биргаликда уларни ўсимликлар ўзлаштира оладиган шаклларини ҳам билиш шарт.

A-7-019 (2012-2014, ТАИТИ, А.Боиров) "Чирчик дарёси ҳавзаси асосий тупроқларида азотнинг минерал ва органик бирикмалари таркибининг деҳқончилик таъсирида сифат ва микдорий ўзгаришларини ўрганиш асосида азот фондини бошқариш йўлларини ишлаб чиқиш" мавзусидаги илмий-амалий лойиха бўйича якуний ҳисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – Чирчик дарёси ҳавзаси асосий тупроқларининг азот фонди ва унинг фракциявий таркиби ҳамда сугориладиган типик бўз тупроқлар шароитида, "Ғўза-кузги буғдой" алмашлаб экиш тизимида минерал ва органик ўғитлар турли меъёрларининг, тупроқнинг агрокимёвий ҳолати, азот фонди, унинг фракциявий таркиби ҳамда ғўза ва кузги буғдой экинларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири аниқланди.

Сугориладиган типик бўз тупроқлар хайдалма қатламида гумус микдори 1,2-1,6% ва ундан кўп бўлганда органик ўғит-гўнгни 5 т/га меъёрида, гумус – 0,8-1,2% атрофида бўлганда 10 т/га, гумус 0,8% дан кам бўлганда эса 20 т/га меъёрларида тўлиқ минерал ўғит фонида қўллаш тавсия этилади. Бунда, органик ўғит – гўнгни тўлиқ минерал ўғит фонида биринчи йил ғўзага кузги шудгор олдидан, иккинчи йил ғўзага фақат минерал ўғитлар қўллаш, учинчи йил кузги буғдойга экишдан олдин солиш лозим.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – Тошкент вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси билан ҳамкорликда вилоят сугориладиган типик бўз тупроқларида дала синовларини ўтказиш режалаштирилмоқда.

Қўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги: пахтачиллик ва ғаллачилликка ихтисослашган фермер хўжаликлари.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – сугориладиган типик бўз тупроқларда, "Ғўза-кузги буғдой" алмашлаб экиш тизимида, тўлиқ минерал ўғитлар фонида, органик ўғит гўнг 5; 10 ва 20 т/га меъёрларида қўлланилганда қўшимча пахта ҳосили тегишлича 2,2; 3,15 ва 4,2 ц/га, кузги буғдойнинг қўшимча ҳосили 3,2; 5,0 ва 7,9 ц/га ни ташкил этиб, фермер хўжаликларида пахта ва ғалла етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлайди.

Тадқиқот обьектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – Тошкент вилояти эскидан сугориладиган тупроқларида, "Ғўза-кузги буғдой" алмашлаб экиш тизимида, тупроқ таркибидаги гумус ва азот микдорини эътиборга олган ҳолда минерал ва органик ўғитларни табақалаштириб қўллаш бўйича Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мутахассислари ва фермер хўжаликлари раҳбарларига илмий асосланган тавсиялар берилади.

A7-012 (2012-2014, ТАИТИ, Н.Абдурахмонов) "Лалми тупроқлар унумдорлигини баҳолаш бўйича илмий асосланган услубий қўлланма ишлаб чиқиши" мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа бўйича якуний хисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – лалми жигарранг ва бўз тупроқларнинг асосий хосса-хусусиятлари аниқланди. Лалми тупроқларнинг хоссалари билан қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ўртасидаги коррелятив боғлиқликлар аниқланиб, лалми тупроқларнинг унумдорлигини чекловчи хоссаларига бонитировкалаш коэффициентлар белгиланди. Якуний маълумотлар асосида "Ўзбекистон Республикаси лалми тупроқларининг унумдорлик даражасини баҳолаш бўйича услубий қўлланма" ишлаб чиқилди. Таъянч хўжаликларнинг 1:25000 масштабдаги электрон ракамли тупроқ-бонитировка хариталари тузилди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – белгиланган пасайтирувчи (бонитировка) коэффициентлар Бахмал туманидаги таъянч хўжаликларнинг лалми жигарранг ва бўз тупроқларини балл бонитетини аниқлашда синовдан (апробация) ўтказилди. Ўрганилган хўжаликлар тупроқларининг бонитет баллари аниқланди. Тупроқлар унумдорлигига таъсир этувчи ва салбий ҳолатларни келтириб чиқарувчи омилларни олдини олиш, унумдорлигини сақлаш ва қайта тиклаш, улардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқаришга жорий этиш учун тақдим этилди.

Қўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги, ер кадастри тизими, атроф-муҳит муҳофазаси.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – услубий қўлланма фермер хўжаликларини тупроқларнинг табиий унумдорлик ҳолати тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар билан таъминлаш, лалми ерларнинг меъёрий қиймат баҳосини тўғри ҳисоблаш ва ягона ер солиғини белгилаш, қишлоқ ҳолатини тўғри жойлаштириш, норматив ҳосилдорликни хўжалик экинларини тўғри жойлаштириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш тадбирларини режалаштириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш тадбирларини белгилаш имконини беради.

Тадқиқот обьектининг ривожланиши бўйича таклифлар – белгиланган бонитировкалаш коэффициентлари асосида Республика миздаги барча лалми тупроқларнинг унумдорлигини илмий асосда баҳолаш ишларини бажариш учун услубий қўлланмадан фойдаланиш йўлга кўйилади.

КА-7-005 (2012-2014, ТАИТИ, М.Тошқўзиев) "Ноанъанавий маъдан хомашёларни қўллаб ғўза парваришлигандага тупроқнинг асосий хоссаларига ҳамда микроэлементлар таркибига таъсирини ўрганиш" мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа бўйича якуний хисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – Тошкент вилояти суғориладиган типик бўз ва Сурхондарё вилояти тақир-ўтлоқи тупроқларида макро- ва микроэлементлар манбаи бўлган ноанъанавий хомашёларни ғўза экинида минерал ўғитлар меъёрини 25 фоизга камайтириб 3 йил давомида олиб борилган тажрибаларда тупроқда ўсимликлар ўзлаштира оладиган минерал азот шакллари ва фосфор миқдори ғўза вегетацияси давомида 1,2-1,3 баравар, калий миқдори 1,1-1,4 баравар ортиши, микроэлементлардан мис, рух, марганец, борни миқдори дастлабки йилларда тупроқда ортиши ва ғўза вегетацияси охирида унинг органларида тўпланиши аниқланди. Тадқиқотлар асосида ноанъанавий агрорудаларнинг энг самарали турлари аниқланиб, улардан экинлар учун озуқа манбаи сифатида фойдаланиш мумкинлиги ва агрорудаларнинг қўллаш муддатини 3 йилда бир марта амалга ошириш илмий жиҳатдан асослаб берилди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – ноанъанавий минерал хомашёлардан бойитилган кўмир чиқиндилари ва уларнинг таркибиға фосфоритлар кўшилган хили, қайта ишланган ёнувчи сланцлар ҳамда Чимқўрғон ва Туябўғиз сув омборлари минерал лойқаларини минерал ўғитлар меъёрини 25 фоизга камайтириб, гектарига 4000-5000 кг ҳисобида ғўза экинида қўллаш самарали бўлиб, уларни фермер хўжаликлари шароитида дала синовларидан ўтказиш тавсия этилади.

Қўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги, тупроқшунослик.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – ғўза экинида ноанъанавий маъдан хомашёларини меъёри 25 фоизга камайтирилган минерал ўғитлар билан бирга тупроққа солиниши натижасида ўсимликлар осон ўзлаштира оладиган ҳаракатчан озуқа моддалари ва микроэлементлар миқдорини ортиши, тупроқ ҳолатини яхшиланиши ва минерал ўғитлар сарфини камайиши ҳисобига иқтисодий самарадорлик ортишига эришилади.

Тадқиқот обьектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – энг самарали ҳисбланган ноанъанавий маъдан хомашёлардан бойитилган кўмир чиқиндилари ва уларга фосфоритлар кўшилган хили, қайта ишланган ёнувчи сланцларни ҳамда сув омборларнинг минерал лойқаларини ғўза ва башқа экинларда фермер хўжаликлирида синаш ва уларни келгуси йилидаги ҳосилдорликка таъсирини ўрганиш, шулар асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилиб, кенг майдонда жорий қилиш таклиф этилади.

ЁА7-008 (2012-2013, ТАИТИ, Б.Атоев) “Суғориладиган типик бўз тупроқларда кузги буғдойга ўғит қўллаш тизимини ишлаб чиқиша навнинг генотипик хусусиятларини ҳисобга олиш услубини яратиш” мавзусидаги илмий-амалий лойиха бўйича якуний ҳисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – 2012-2013 йиллари суғориладиган типик бўз тупроқларда ҳар хил ўғит меъёрларида 3 та (“Таня”, “Хосилдор” ва “Половчанка”) кузги буғдой навлари бўйича дала тадқиқотлари ўтказилди.

Дала тажрибаси майдонининг тупроғи оғир механик таркибли, шўрланиш ва тақирга айланиш ҳодисаси кузатилмайди. Бир хил тузилишга эга лёссимон ётқизиқлардан ташкил топган. Ҳайдалма қатлам азот, фосфор ва калий билан ўртача, ҳайдалма ости қатлам эса фосфор билан кам, калий билан ўртача таъминланган. Гумус микдори бир оз юқори. Тупроқда гумус микдори юқоридан пастга қараб борган. Кузги буғдой навларининг вегетация даврининг бошларида “Хосилдор” нави ўсган тупроқда азот, фосфор ва калий микдори камроқ “Таня” ва айниқса, “Половчанка” остида кўпроқ, вегетация охирида эса яна камайиб бориши маълум бўлди.

Кузги буғдойнинг “Хосилдор” нави 4 вариант $N_{200} P_{100} K_{100}$ кг/га ўғит меъёрларида 71,46 ц/га дон ҳосили ва 93,43 ц/га сомон ҳосилини, “Таня” нави 6 вариант $N_{200} P_{150} K_{150}$ кг/га ўғит фонида 72,94 ц/га дон ҳосили ва 98,41 ц/га сомон ҳосилини ва “Половчанка” нави 7 вариант $N_{250} P_{150} K_{150}$ кг/га ўғит меъёрларида 82,32 ц/га дон ҳосили, 99,99 ц/га сомон ҳосили шаклланди. “Таня” ва “Половчанка” навларининг “Хосилдор” навига нисбатан Р ва K ўғитга талаби юқорилиги аникланди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – тадқиқот натижалари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази ва фермер хўжаликларга амалиётда фойдаланиш учун топширилди. Ўрганилган навларнинг юқори ҳосил берадиган ўғит меъёрлари ва қўллаш тизими аникланган ва ишлаб чиқаришга тавсия қилинган. Ишнинг илмий янгилиги шундаки, навларнинг ўғит меъёри ва нисбатига реакцияси физиологик, биокимёвий ва тупроқ маълумотлари билан асосланган.

Қўлланиш соҳаси – суғориладиган типик бўз тупроқларида кузги буғдой етиштирувчи барча фермер хўжаликлари.

Иқтисодий самараадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – ўғитлар самараадорлиги “Хосилдор” навида 4 вариант $N_{200} P_{100} K_{100}$ кг/га ўғит меъёрларида, “Таня” навининг 6 вариантида $N_{200} P_{100} K_{100}$ кг/га ўғит меъёрларида аникланди. “Хосилдор” нави 4 вариантида иқтисодий соғ даромад гектарига 1130,898 сўмни, “Таня” нави 6 вариантида 1348,617 сўмни ва “Половчанка” нави 7 вариантида $N_{250} P_{150} K_{150}$ кг/га ўғит меъёрларида 1507,742 сўмни ташкил этди. Юқори дон ва сомон ҳосилдорлиги ҳам шу вариантларда олинган.

Тадқиқот объектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – суғориладиган типик бўз тупроқларда кузги буғдой етиштирувчи барча фермерлар учун ишлаб чиқилган илмий асосланган тавсияларни амалиётга кенг жорий этишга доир инновация ишлари олиб борилади.

КА-7-012 (2012-2014, ТАИТИ, Р.Қурвантоев) “Янги технология бўйича ишлов беришнинг тупроқ агрофизик хоссаларига таъсирини ўрганиш” мавзусидаги илмий-амалий лойиха бўйича якуний ҳисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – тадқиқот обьектидаги лалми тупроқларининг механик таркиби ўрта ва оғир қумоқли бўлиб, чанг заррачалари устунлик қилади, шу билан бирга тупроқ қатламлари орасида ил заррачалари (0,001 мм)ни йиғилиши ҳам учрайди. Юқори солиширма масса ($2,60-2,72 \text{ г}/\text{см}^3$), шунга мос равища ҳажм масса ҳам пасайгани ($1,28-1,42 \text{ г}/\text{см}^3$) ҳолда ғоваклик микдори 48-52% атрофида бўлиши ва ижобий томонга ўзгариши аникланди.

Тажрибанинг бошланиш даврида тупроқ агрофизик хоссаларига кам ишлов беришнинг таъсири унча сезилмади, шундай бўлсада, маълум даражада органик моддаларнинг тўпланиши ҳисобига тупроқларнинг структура ҳолати, айниқса, сувга чидамли агрегатлар микдорининг ошиши, сув-физик хоссаларининг яхшиланиши кузатилди.

Оҳангарон ҳавзасида тарқалган лалми тўқ тусли бўз тупроқларни сув айргич қисмida гумус микдори юқори қатламларида 1,92%, шимолий ва жанубий қияликларида 2,34-1,86% ни ташкил этди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – тупроққа кам ишлов берувчи техника воситасини яна тўлиқ такомиллаштириб, лалми тупроқлар шароитида дала синовлари давом этирилиши зарур.

Қўлланиш соҳаси – Чирчик-Оҳангарон тупроқ-иқлим худудига мансуб Оҳангарон лалми районида тарқалган тўқ тусли бўз тупроқларида экин етиштирувчи барча фермер хўжаликларда қўлланилмоқда.

Иқтисодий самараадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – лалми ерларнинг агрофизик хоссалари ўрганилди, тупроқ намлигини сақловчи янги агротехнологиялар ишлаб чиқилди, уларнинг потенциал самараси исботланди ва тупроқ унумдорлигини, агрофизик хоссаларини ижобий томонга ўзгариши асосланди.

Тадқиқот объектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – лалми тупроқларнинг структуравий ҳолати, сувга чидамли агрегатларнинг микдорини ошиши, сув-физик хоссаларининг яхшиланилиги маълум бўлди. Шунингдек, эрозияланмаган тупроқларнинг физик ва сув физик хоссаларига кўра мақбул кўрсаткичлари аникланди. Тупроқларнинг структуравий ҳолати анча яхшиланиб, сувга чидамли агрегатларнинг мавжудлигини кўрсатади. Бу эса тупроқларнинг эрозияга қарши чидамлилик ишлаб чиқаришга оширади. Ушбу амалий маълумотлар фермер хўжаликлари хусусиятини оширади. Ушбу амалий маълумотлар фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришга кенг жорий этилади.

КА-7-004 (2012-2014, ТАИТИ, М.Тошқўзиев) “Мирзачўл воҳаси суғориладиган тупроқларининг унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолатини яхшилашга йўналтирилган самародор агротехнологияларни ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа бўйича якуний хисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – Мирзачўл ҳудуди Сирдарё ва Жиззах вилоятлари суғориладиган тупроқларининг 72 фоизида гумус микдори 1 фоизгача бўлиб, 32 фоизида унинг микдори 1,1-1,6 фоиз атрофиди, сингдириш сифими юқори эмас – 100 г. тупроқда 7-15 мг-экв. Унда кўпгина ҳолларда сингдирилган кальцийни улушкини камайиши ҳисобига магнийни улуси ортиши, тупроқлар шўрланишига боғлик ҳолда кучсиз шўртбланиш жараёни содир бўлиши аниқланди. Натижалар асосида тупроқлар ҳолатини яхшилашга йўналтирилган агротехнологияларни қўллаш зарурлиги илмий асосланди.

Сирдарё вилояти Боёвут тумани “Гараша” фермер хўжалигининг кучсиз шўрланган ўтлоқи-бўз тупроқларида 3 йил давомида турли хил органик ўғитлар минерал меъёрини 30-40% га камайтириб асосий, такрорий, оралиқ экинларида қўллаб олиб борилган агротехнологиялар натижасида тупроқлар шўрсизланиб, унинг таркибида гумус, озиқа моддаларининг ҳаракатчан шакл микдорининг ортиши, экинларнинг ўсиши ҳамда яхши ривожланиб бориши ҳисобига уларнинг ҳосилдорлигига ижобий таъсир қилиши аниқланди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – Сирдарё вилоятининг Боёвут-2 ва Боёвут-3 массивлардаги 2 та фермер хўжалигининг кучсиз ва ўртача шўрланган тупроқларини мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини тиклаш, экинлар ҳосилдорлигини оширишга доир ишлаб чиқариш дала синовлари ўтказилди.

Қўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги: тупроқшунослик.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – “Ғўза-ғалла” экинлари тизимида экинларни навбатлаб экиш, юқори микдорда (20-30 т/га) органик ўғитлар фонида минерал ўғитлар меъёрини 30-40% га камайтириш, экинлар ҳосилдорлигини (ғўзада 2-6,6 ц/га, кузги буғдойда 5,9-11,6 ц/га) ортиши, тупроқларнинг хоссаларини, мелиоратив ҳолатини яхшиланиши ҳисобига иқтисодий самарадорлик ортишига эришилади.

Тадқиқот обьектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – олинган маълумотлар асосида кучсиз ва ўртача шўрланган тупроқлар ҳолатини яхшилаш, органик моддага бойитиш орқали “ғўза-ғалла” экинлари этиштиришда тупроқ унумдорлиги, экинлар ҳосилдорлигини оширишга доир агротехнологияларни тупроқ шароитини ҳисобга олган ҳолда синови натижалари асосида кенг майдонда жорий қилиш таклиф этилади.

ЎСИМЛИКШУНОСЛИК ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (ЎИТИ) БЎЙИЧА

ҚҲА-8-063 (2012-2014, ЎИТИ, А.Рустамов) “Республика илмий ташкилотларидағи қишлоқ хўжалик экинларининг гермоплазмасини унувчанлигини қайта тиклаш ва сақлашга қўйиш жараёнларини яхшилаш орқали ўрта муддатда генбанкда кафолатли сақланишини таъминлаш” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа бўйича якуний хисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – Ўсимликшунослик, Мойли ва толали экинлар тажриба станцияси, Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти ва унинг Фаллаорол станциясидаги 23 хил қишлоқ хўжалик экинларининг 8856 намунаси экилди. 8748 намунасидан янги репродукция уруғлари олиниб, ўрта муддатда сақлаш учун Генбанкка қўйилди. Генбанкка З та илмий муассасадаги оддий хона шароитида сақланаётган 3048 намуна кафолатли сақлашга қўйилди ва Миллий генофонд янги намуналар билан бойитилди, генбанкда сақлашга қўйилган намуналар ҳолати мониторинг қилинди. Уруғ унувчанлигини тезкор услубда аникловчи ускуна, уруғ сановчи аппарат, уруғ канцелярия товарлари харид қилинди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – унувчанлиги тикланган ва сақлашга қўйилган намуналар селекционерлар учун бирламчи манба бўлиб хизмат қиласи. Генбанк фаолиятини яхшилаш орқали генофондга доир фундаментал изланишларни амалга ошириш имкониятлар яратилади. Олинган маълумотлар компьютер ахборот базасига киритилади. Ахборот базасини шакллантирилиши селекция жараёнини қисқартириб, янги навлар яратилишига ижобий таъсир кўрсатади.

Қўлланиш соҳаси – ўсимликшунослик.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – уруғларни генбанкдаги замонавий совитгичлар билан жиҳозланган маҳсус камерада +4-6°C ҳарорат шароитида 15-20 йил давомида унувчанлиги қайта тикланмасдан сақланиш имкониятлари яратилди. Бунда уруғ унувчанлигини қайта тиклашга қаратилган агротехник тадбирлар, ишчи ва хизматчиларга, электр энергияси, ёнилғи-мойлаш материалларига сарфланадиган харажатларни камайтириш, ҳар бир намунанинг генетик эрозиясини олдини олиш, уни келажак селекцияси учун кафолатли сақланиши таъминланади.

Тадқиқот обьектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар –

Республикамиз илмий муассасаларида оддий шароитларда сақланаётган намуналарни Генбанкка жалб этиш ва кафолатли сақланишини таъминлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилади.

ПНВ № 532681

Тадқиқотни ташаббуси

ҚХА-8-064 (2012-2014, ЎИТИ, М.Аманова) “Ўсимликлар генофонди генетик бутунлигини интродукция, илмий экспедициялар, уруғлар унувчанлигини қайта тиклаш ва вегетатив кўпаювчи экинларни тирик ҳолда ушлаб туриш йўли билан саклаш ҳамда бойитиш” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа бўйича якуний ҳисоботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – Республикамиз вилоятлари ҳамда Қирғизистон Республикасининг шимолий ва жанубий ҳудудларини тадқиқ этиш (144 намуна) ва Корея Республикаси генбанкидан республикамиз Миллий генофондига турли қишлоқ хўжалик экинларининг 794 намуналарини жалб этиш орқали Миллий генофонд 938 та янги намунага бойитилди. Республика ҳудудларига карантин ҳисобланган касаллик ва зааркунандаларни кириб келишини олдини олишда интродукция қилинган 39 хил қишлоқ хўжалик экинларининг 1314 намуналари бирламчи баҳоланди. Институт жаҳон коллекцияси намуналарини унувчанлигини қайта тиклаш бўйича 33 хил экиннинг 7677 намунаси экилиб, 7623 намунасидан ўрта муддатда саклаш учун янги репродукция уруғлари олинди. Институтда вегетатив ҳолда кўпаювчи 3484 намуналар тирик ҳолда саклаб қолинди ва улар дала генбанкларида парваришланмоқда.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – қишлоқ хўжалик экинларининг генофонди янги навларни яратишида селекционерлар учун зарур бўлган тез пишарлик, юқори ҳосилдорлик, касаллик ва зааркунандаларга, иссиқликка, курғоқчилик ва шўрга чидамлилик, меваларда биокимёвий моддаларнинг юқорилиги ҳамда бошқа қимматли хўжалик белгиларига эга бирламчи манбалар бўлиб хизмат қиласди. Уларни турли тупроқ ва иқлим шароитларида ўрганиш асосида ташқи шароитнинг биотик ва абиотик факторларига чидамли янги навларининг бирламчи манбалари ажратиб олинади.

Кўлланиш соҳаси – ўсимликшунослик.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – унувчанлиги қайта тикланиб сакланаётган, илмий экспедиция ва интродукция асосида йиғиб келинган намуналар Республикаизнинг Миллий генофондини кафолатли сакланиши билан бирга уни бойитилишига, турли қишлоқ хўжалик экинларининг янги навларини яратишида жуда зарур бўлган қимматли хўжалик белгиларига эга бирламчи манба ва мамлакатимиз озиқовқат хавфсизлигини таъминловчи восита бўлиб хизмат қиласди.

Тадқиқот обьектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – миллий генофондни янада бойитиш учун Ўзбекистон ва бошқа давлат ҳудудларига илмий экспедициялар уюштирилади. Турли экинларнинг янги намуналарини интродукция килиш, уларни комплекс ўрганиш асосида янги бирламчи манбалар, донорлар ажратиб олиш амалга оширилади.

ҚХА-8-065 (2012-2014, ЎИТИ, К.Бойметов) “Қишлоқ хўжалик экинлари генофондини комплекс ўрганиш асосида селекция учун бирламчи манбалар ажратиб олиш” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа бўйича якуний ҳисоботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – қишлоқ хўжалик экинларининг 1600 намунасида комплекс баҳо берилди. Коллекциялардан тезпишарлиги, ҳосилдорлиги, стресс омилларга, касаллик ва зааркунандаларга чидамли ҳамда муҳим хўжалик белги ва хусусиятларга эга бўлган янги намуналар ажратиб олинди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – институт жаҳон коллекциясида мавжуд бўлган қишлоқ хўжалик экинларининг намуналарини комплекс ўрганиш асосида селекция марказлари фермерлар талабларига жавоб берадиган янги навларни яратиш учун зарур бўлган бирламчи манбалар билан таъминланади.

Кўлланиш соҳаси – ўсимликшунослик: селекция.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – ажратиб олинган турли қишлоқ хўжалик экинларининг ташқи муҳит, тупроқ ва иқлим шароитларининг стресс омилларига чидамли, қимматли хўжалик белгиларига эга бирламчи манбаларнинг селекция соҳасининг турли йўналишларига жалб этилиши-селекция жараёнини қисқариши ва ишлаб чиқаришга янги навларни тезроқ жорий этилиши орқали маҳсулдорликни ошиб боришини таъминлайди.

Тадқиқот обьектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – қишлоқ хўжалик экинлари навлар мажмуасини мунтазам равишда такомилаштириш ва янгилаш, мавжуд коллекциялардан муҳим белги ва хусусиятларга эга бўлган манбаларни ажратиб олишга доир комплекс илмий-амалий тадқиқотлар бажарилади.

ҚХА -8-067 (2012-2014, ЎИТИ, А.Арзуманов) “Субтропик ва мевали экинларининг генофондини бойитиш, кафолатли саклаш ва ундан самарали фойдаланиш мақсадида дублет коллекцияларини яратиш” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа бўйича якуний ҳисоботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – Сурхондарё тажриба станциясида вегетатив ҳолда кўпаювчи мева экинларини кафолатли сакланишини таъминлаш мақсадида уруғли мевалилардан – олма, нок; данакли мевалилардан – гилос, шафтоли, ўрик, тоғ олча, олхўри ва узум коллекция намуналари инвентаризация қилиниб, дублет коллекция намуналарининг тўла рўйхати

тузилди. Ўтказилган инвентаризация якунига мувофиқ ўрикнинг 559, шафтолининг 248, олхўрининг 152, гилоснинг 63, нокнинг 51, олманинг 229, бодомнинг 80, анорнинг 40, узумнинг 1040, анжирнинг 17 намуналаридан иборат дублет коллекциялари ташкил этилди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – республикамизнинг жанубий худудида мевали экинлар ва узум жаҳон коллекциясини ўрганишлар натижасида қимматбаҳо хўжалик-морфологик белгилари бўйича танлаб олинган нав ва намуналари селекция жараёнига янги истиқболли навларни яратиш ва улардан ишлаб чиқаришда кенг фойдаланиш учун тавсия этилди.

Кўлланиш соҳаси – ўсимликшунослик: селекция.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – республикамизнинг жанубий худудида мевали экинлар ва узумнинг генофонди кафолатли сақланади ва янги нав яратишида ундан кенг фойдаланилади. Мевали экинлар ва узумнинг янги навлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида юқори сифатли мўл ҳосил олинишини таъминлайди.

Тадқиқот обьектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – мева ва узумнинг селекцион қимматли белги ва хусусиятга эга янги истиқболли нав ва намуналарни ўрганиш бўйича янги комплекс тадқиқотлар ўтказилади.

ҚҲА-8-086 (2012-2014, ЎИТИ, Д. Идиятуллина) “Замонавий селекция услублари ва навлараро чатиштириш билан кунгабоқарнинг мой микдори юқори, серхосил, сувсизликка ва шўрга чидамли қимматбаҳо хўжалик белгиларига эга бўлган янги нав ва линияларини яратиш” мавзусидаги илмий-амалий лойиха бўйича якуний хисоботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – тажриба хўжалигига 33 хил кунгабоқар навларини ўрганиш асосида ажратиб олинган истиқболли намуналарни навлараро чатиштириш натижасида «Линола», «Олтин гул», «Престиж», «Иттифоқ», «Ручеёқ», «Рассвет» дурагайлари олиниб, «Диёр», «Баҳор», «Аломат», «Қорасув» тизмалари яратилди ва уларнинг тажриба синовлари ўтказилди. Қимматли хўжалик белгилари ва юқори майдорлик даражасига эга бўлган «Диёр» ва «Қорасув» тизмалари давлат нав синов комиссиясига топшириш учун тайёрланди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – кунгабоқар намуналарини ўрганиш асосида яратилган дурагайлар ва тизмалар давлат нав синаш комиссияси

тажриба участкаларида синовдан ўтказилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди. Яратилган янги навларнинг уруғчилиги йўлга қўйилади.

Кўлланиш соҳаси – ўсимликшунослик: селекция.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – кунгабоқарнинг янги дурагай ва тизмаларни ишлаб чиқаришга жорий этилиши билан четдан олиб келтирилаётган уруғлик микдори камаяди ва фермер хўжаликлари арzon нархдаги уруғлик билан таъминланади.

Тадқиқот обьектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар –

Республикамиз аҳолисини ўсимлик ёғларига бўлган талабни қондириш мақсадида кунгабоқар экинининг янги сермаҳсул навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича селекцион ва технологик ишларни янада кенгайтириш лозим.

ҚҲИ-5-062-2014 (2013-2014, ЎИТИ, И.Анорбоев) “Кунгабоқарнинг янги “Велья”, “Дукат” ҳамда “Бузулук” навларининг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш ва фермер хўжаликлари жорий қилиш” мавзусидаги инновацион лойиха бўйича якуний хисоботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – Андижон вилояти Избоскан туманидаги “Андижон Замин сардори” фермер хўжалигига кунгабоқарнинг “Бузулук” навидан 9500 кг, институт тажриба станциясида “Дукат” ва “Велья” дурагайларидан 4800 кг уруғ олинди. Андижон вилояти Асака туманидаги “Asaka oil plants eeds” мойли экинлар уруғчилиги билан шуғулланувчи фермер хўжалигига кунгабоқарнинг “Бузулук” навидан 6100 кг, мойли ва толали экинлар селекцияси уруғчилиги ҳамда агротехнологияси бўлими далаларида кунгабоқарнинг “Душко” дурагайидан 15300 кг уруғлик тайёрланди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – Республикализ аҳолисини ўсимлик ёғларига бўлган талабини қондириш мақсадида кунгабоқарнинг янги нав ва дурагайларини бирламчи уруғчилигини ташкил этиш, фермер ва дехқон хўжаликларни сифатли уруғликлар билан етарлича таъминлаш лозим.

Кўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғчилиги.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – кунгабоқарнинг ҳосилдор нав ва дурагайларини жорий этилиши фермер хўжаликлари шароитида улардан юқори сифатли мўл ҳосил олинишини таъминлайди.

Тадқиқот обьектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – селекцион қимматли белги ва хусусиятга эга янги истиқболли кунгабоқар

нав ва дурагайларини яратиш бўйича комплекс илмий тадқиқотлар ўтказилади.

ҚХИ-5-105-2013 (2013-2014, ЎИТИ, Ж.Пирназаров) “Районлаштирилган ва истиқболли абиотик омилларга чидамли мойли, мева ва сабзавот экин навлари бирламчи уруғчилигини амалга ошириш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш” мавзусидаги инновацион лойиха бўйича якуний ҳисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари –институт тажриба хўжалигида биринчи ва иккинчи йил мева кўчатзорлари ташкил этилди. Тоғ олчанинг “Ҳосилот – 415”, “Лето- 280”, “Киргизская превосходная-150”, “Супериор- 450” ва “Ярхи” навларидан 230 донадан жами 1525 кўчат пайвандланди. Пайванд қилинган кўчатлардан давлат стандартига мос навдорлик хусусияти юқори, соғ кўчатлар етиштирилди.

Республикамиз учун ноанъанавий экин сифатида интродукция этилиб, институт олимлари томонидан яратилган ва давлат реестрига киритилган сабзавот соясининг “Султон” навидан 50 кг ва сабзавот мошининг “Дурдона” навидан 25 кг суперэлита уруғликлари тайёрланди. Уларнинг нав ва экинбонлик сифатлари аниқланди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – тоғ олчанинг “Ҳосилот-415”, “Лето-280”, “Киргизская превосходная-150”, “Супериор-450” ва “Ярхи” навлари кўчатлари етиштирилди, Сурхондарё вилоятининг Жарқўргон туманидаги фермер хўжалигида 2 га майдонда боғ барпо этилди.

Сабзавот соясининг “Султон” ва сабзавот мошининг “Дурдона” навидан тайёрланган суперэлита уруғликлари институт тажриба хўжалигида кўпайтирилиб, унинг элита ва биринчи репродукция уруғликлари фермер хўжаликларига тарқатилди.

Кўлланиш соҳаси –қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилиги.

Иқтисодий самараадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – тоғ олча, сабзавот сояси ва мошининг кўпайтирилган уруғликлари фермер хўжаликларига етказиб берилади, оқсилга бой маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Тадқиқот обьектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – селекцион қимматли белги ва хусусиятга эга истиқболли тоғ олча, сабзавот сояси ва мошининг экин майдонлари кенгаяди, республикамизда етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг тури кўпаяди.

ҚХА-9-033 (2012-2014, ЎИТИ, И.Анорбоев) “Республиканинг турли тупроқ-иқлим шароитида мойли экинларни (кунгабоқар, ер ёнғоқ, кунжут ва бошқалар) сувсизликка, шўрга чидамли навларини танлаш, уларни асосий ва такрорий экин сифатида турли озиқлантириша ресурстежамкор етиштириш агротехникасини ишлаб чиқиши” мавзусидаги илмий-амалий лойиха бўйича якуний ҳисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – типик бўз тупроқлар минтақасидаги ўтлоқи-аллювиал тупроқларда ўғитлар миқдори N_{200} , P_{150} , $K_{100}\text{кг}/\text{га} + 10 \text{ т}/\text{га}$ гўнг + Ер малҳами 10 л/га ва N_{200} , P_{150} , $K_{100}\text{кг}/\text{га} + 20 \text{ т}/\text{га}$ гўнг кунгабоқар учун кўлланилганда хосилдорлик ўғитсиз назоратга нисбатан 10-12 ц/га кўпроқ, 1000 дона уруғ вазни назоратга нисбатан 14-16 граммга кўп бўлди. Кунжутда эса назоратга нисбатан хосил миқдори 3,2-4,8 ц/га, 1000 дона уруғ вазни 0,8-1,3 граммга ошди. Ерёнғоқда 1 та ўсимлик хосилдорлиги назоратга нисбатан 1,0-2,7 граммга кўпайди. Чўл минтақаси тақири-ўтлоқи тупроқларда кунгабоқар ўсимлигига N_{150} , P_{90} , $K_{65}\text{кг}/\text{га} + 10 \text{ т}/\text{га}$ гўнг + Ер малҳами 10 л/га ва N_{150} , P_{90} , $K_{65}\text{кг}/\text{га} + 20 \text{ т}/\text{га}$ гўнг кунгабоқар учун кўлланилганда ҳосилдорлик ўғитсиз назоратга нисбатан 10-13 ц/га кўпроқ, 1000 дона уруғ вазни назоратга нисбатан 23-25 граммга кўп бўлди. Кунжутда эса назоратга нисбатан хосил миқдори 10-11 ц/га, 1000 дона уруғ вазни 1,1 граммга ошди. Аллювиал тупроқларда N_{200} , P_{150} , $K_{100}\text{кг}/\text{га} + 10 \text{ т}/\text{га}$ гўнг + Ер малҳами 10 л/га ва N_{200} , P_{150} , $K_{100}\text{кг}/\text{га} + 20 \text{ т}/\text{га}$ гўнг кунгабоқарга кўлланилганда назоратга нисбатан хосилдорлик 11-15 ц/га, 1000 дона уруғ вазни 13-20 граммга ўсади.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – Республикализнинг барча тупроқ-иқлим шароитларида мойли экинлар, жумладан, кунгабоқар етиштириб, улардан мой учун юқори хосил олиш мумкинлиги исботланди.

Кўлланиш соҳаси –қишлоқ хўжалиги: уруғчилик.

Иқтисодий самараадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – тажриба натижаларига кўра кунгабоқар, кунжут ва ерёнғоқ экинларидан типик бўз тупроқлар минтақасидаги ўтлоқи-аллювиал, чўл минтақаси тақири-ўтлоқи, аллювиал тупроқларда кўлланилган янги технология асосида мазкур экинларнинг ҳар бир гектар майдонидан 10-15 ц/га кўшимча хосил олиниши таъминланди.

Тадқиқот обьектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар –

Республикамиз барча тупроқ-иқлим шароитларида –мойли экинлардан юқори хосил етиштиришда тавсия этилган етиштириш технологиясини кўллаш мақсадда мувофиқдир.

ИК-9-2013 (2013-2014, ЎИТИ, А.Рустамов) “Топинамбурнинг“Файзбарака” ва “Мўъжиза” навларини уруғчилигини ташкил этиш ҳамда ушбу навлар асосида сифатли қофоз ва кимёвий қайта ишлашга ярокли бўлган целлюлоза олиш технологиясини яратиш ва саноат миқёсида ишлаб чиқаришга жорий этиш” мавзусидаги инновация лойиха бўйича якуний хисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – топинамбур экинининг “Файз-барака” ва “Мўъжиза” навларини бирламчи уруғчилиги ташкил этилиб, Наманганд вилояти Тўракўргон туманидаги “Улуғбеклар” фермер хўжалигига 10 га, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етишириш агротехнологиялари ИТИ тажриба станциясида 8 га, Андижон вилоятининг Асака, Кўрғонтепа, Улуғнор туманлари, Андижон давлат университети тажриба хўжалиги ва “Боғи Фурқат” фермер хўжалигига 20 га, Тошкент вилояти Оҳангарон туманида 15 га, Қашқадарё муҳандислик-иктисодиёт институти тажриба хўжалигига 11 га, Коракалпогистон давлат университети тажриба участкасида 13 га майдонда (жами 77 га майдонда) уруғлик етиширилди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент кимё-технология, Микробиология институтлари билан ҳамкорликда топинамбур экинининг бирламчи уруғчилигини йўлга қўйиш орқали медицина соҳасини – инулин, қофоз саноатини – целлюлоза, озиқ-овқат саноатини–спирт, витаминга бой маҳсулотлар ва чорвачилик учун тўйимли озуқа базасини яратишга қаратилган маҳсулотларни қайта ишлаш усуслари ишлаб чиқилди. Етиширилган уруғликлар 1500 га майдонга экиш учун етарли бўлиб, саноат миқёсида ишлаб чиқариш учун 60000 тонна хомашё тайёрлаш имконини яратади.

Қўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, целлюлоза, фармацевтика, озиқ-овқат саноати.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – топинамбур ўсимлиги поясидан целлюлоза, туганакларидан инулин, пектин, сахароза, бутанол ва этанол спирти, озиқ-овқат маҳсулотларини бойитувчи турли кўшимчалар олиш имкониятлари мавжуд бўлиб, қофоз, фармацевтика, озиқ-овқат саноатини маҳаллий хомашё билан таъминланиши натижасида четдан импорт қилинаётган маҳсулотларга сарфланаётган харажатлар иқтисод қилинади. Мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерлардан унумли фойдаланиш, чорва учун тўйимли озуқа базасини яратиш имкониятлари пайдо бўлади.

Тадқиқот обьектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар –

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 марта 72-сонли баённомасига асосан топинамбурнинг экин майдонларини кенгайтириш ва ундан олинадиган маҳсулотларни қайта ишлаш бўйича чора тадбирлар амалга оширилади.

ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
(ПСУЕАИТИ) БЎЙИЧА

ҒЎЗА ГЕНОФОНДИ БЎЙИЧА

ҚҲА-8-040 (2012-2014, ПСУЕАИТИ, М.Холикова) “Ғўзанинг дунёвий коллекциясини сақлаш, бойитиш, янги намуналарнинг карантин назоратини ўтказиш, намуналар унувчанлигини тиклаш ҳамда ўрганиш асосида қимматли белги ва хусусиятларга эга бўлган намуналарни аниқлаб амалий селекцияга тавсия қилиш” мавзусидаги илмий-амалий лойиха бўйича якуний хисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – ғўзанинг 3001 та коллекция намунаси экилди ва 2826 та (94.1%) намуналарни уруғлари янгиланиб, сақлаш учун қўйилди. Ғўза коллекцияси карантин назоратидан ўтган 9 та АҚШ намуналари билан бойитилди, уларга каталог раками берилди. 200 та ёввойи, яrim ёввойи ва кечпишар намуналарнинг 110 тасидан уруғлик олинди. 135 та коллекция намунаси илмий муассасаларга селекция тадқиқотларда фойдаланиш учун берилди. С-01 ва С-02 навлари Давлат нав синаш шохобчаларида синовлардан ўтказилди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – коллекция намуналаридан 52 таси тола чиқими (40,0-44,0%), 110 таси битта кўсакдаги пахта вазни (6,5-8,5 г), 67 таси тола узунлиги (35,0-42,0 мм), бир қатор намуналар тезпишарлиги бўйича амалий селекция ишларида фойдаланиш учун тавсия қилинди.

Қўлланиш соҳаси: Генетика, селекция, биотехнология.
Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – ғўза коллекциясидаги қимматли намуналарнинг ҳаётчанлиги тикланди, амалий селекция ишлари учун ноёб белгиларига эга намуналар бошланғич ашё сифатида тавсия этилди.

Тадқиқот обьектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – дунё талабларига тўла жавоб берадиган янги ғўза навларини яратиша бошланғич ашё сифатида фойдаланиш учун коллекция намуналари узлуксиз равишда сақланади, ўрганиб борилади ва янги намуналар билан бойитилади.

ГҮЗА СЕЛЕКЦИЯСИ БҮЙИЧА

ҚХА-8-078 (2012-2014, ПСУЕАИТИ, Г.Холмуродова) “Ғүзанинг генетик жиҳатдан бойитилган, қурғокчиликка ва касалликларга чидамли рекомбинантлар, оила ва тизмаларни яратишда конвергент ва геномлараро дурагайлашнинг самарадорлиги” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа бўйича якуний хисоботининг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – гўза ўсимлигининг ҳосилдорлиги, сув танқислиги ва вилтга чидамлилиги, тола сифати юқори, бир қатор қимматли хўжалик белгилари бўйича устун К-2, К-3, К-4, К-5, К-10 оиласлари ва Т-814-815/07, Т-482-483/07 тизмалари ажратиб олинти.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – Т-814-815/07, Т-482-483/07 янги тизмалар институтнинг катта нав синовига, К-2, К-5, К-6 оилалар ҳамда $F_5(K5 \times K6)$, $F_5(K7 \times K8)$ конвергент дурагайлари уруғ қўпайтиришга тавсия этилди.

Кўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги: генетик-селекцион тадқиқотлар.
Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – конкурс нав синовида юқори натижага кўрсатган Л-2306 тизмаси грунтконтролга топширилди. Ушбу янги нав турли тупроқ-иқлим шароитига мос ва бардошли андоза навидан 2-3 кун тезпишар, тола сифати юқори, ҳосилдорлиги бўйича 10-15 фоизга юқори.

Тадқиқот объектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – янги Л-2306 тизмасини давлат нав синаш шохобчаларида чукур ўрганилади, унинг экологик нав синовлари ўтказилади.

КА-8-001 (2012-2014, ПСУЕАИТИ, В.Автономов) “Геном-протеом технологияларни *G. hirsutum* L. ғўза турининг сўрувчи заараркунандалар (шира, ўргимчаккана) ва касалликларга (вертициллёз вилт, гоммоз) чидамлилигини баҳолашда кўллаш, энг яхши тизмани молекуляр – генетик паспортларни яратиш, биотик омилларга чидамлилик, тезпишарлик, пахта ҳосилдорлигини, тола сифати ва чиқими каби белгилар бўйича юқори кўрсаткичларни ўзида мужассамлаштирилган янги навни ўрганиш учун ДНС га топшириш” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа бўйича якуний ҳисоботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – бажарилган тадқиқотлар натижасида С-6545 ва “Наманган-102” ғўза навлари истиқболли деб топилди. С-6550 ғўза нави давлат реестрига киритилди. СУ-1001, С-6560, С-6555, С-6550 навларига

Ўзбекистон патентлари олинди. С-6565 гўза нави Давлат нав синаш шоҳобчаларидаги синалмоқда.

Жорий этиш бүйича тавсиялар – “Наманган-102” ғүза навини давлат реестрига киритиш ва янги С-6545, С-6550, С-6560, С-6565, СУ-1001 ғүза навларини экин майдонларини кўпайтириш амалга оширилади.

Күлланиш соҳаси – пахтачилик: ғўза селекцияси

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – янгидан яратилган С-6550, “Наманган-102” ва С-6565 гўза навлари фермер хўжаликлари ишлаб чиқаришига жорий этилса, юқори сифатли (IV тип) тола этишириш имкониятлари кенгаяди.

Тадқиқот объектиниң ривожланиши бүйича прогноз таклифлар – янги ғұза навларини яратып жараёнида бошланғич ашё, дурагай вәселекцион материаллардан фойдаланишни давом эттириш ҳамда олингандык материалларни уругчилик ишларида күллаш күзде тутилған.

КХА-8-083 (2012-2014, ПСУЕАИТИ, А.Амантурдиев) «Турли геномга эга селекция тизмаларини кўллаш асосида, сув танқислиги ва шўрланишга чидамли, ҳосилдор ва экологик пластик ғўза навларини яратиш» мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа бўйича якуний хисоботининг

РЕФЕРАТИ

РЕФЕРАТ
Ишнинг натижалари – бажарилган тадқиқотлар натижасида сув танқислиги ва шўрланишга бардошли “Гулистон” ва С-5707 навлари грунтконтрол синовидан муваффақиятли ўтди; ва 15 та нав синаш участкасида синалмокда, С-5708 ҳамда С-5706 навлари жорий йилда ДНСга топширилди. Л-179, Л-151 тизмалари катта нав синаш кўчатзорига ўтказилди. Л-217 Л-330 тизмалар кўпайтирилди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – гўзанинг янги тулостинни
Сирдарё вилоятида, С-5707 нави Навоий, Хоразм ва Тошкент вилоятларида,
С-5708 нави Фарғона водийси шароитида ишлаб чиқариш синовларидан
ўтказилмокла.

Күлданин сөзсүү кишилөк хўжалиги, пахтачиллик

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – сув танқисли гига бардошли, тола сифати IV тип бўлган “Гулистон” ва С-5707 ғўза навларини жорий этилиши натижасида бир гектар ҳисобига 1500-2000 м³ сув тежалади.

Тадқиқот объектининг ривожланиши бўйича прогноз тақлифлар –
“Гулистон” ва С-5707 гўза навларини Давлат нав синови ўтказиш, сув билан
кам таъминланган худудларда экилиш майдонларини кенгайтириш
режалаштирилган.

КХА-8-001 (2012-2014, ПСУЕАИТИ, Б.Халманов) “Ғўзанинг *G.hirsutum L.* ва *G.bardadense L.* турига мансуб маркер селекцияси асосида яратилган толасининг микдори ва сифати юқори, тезпишар, маҳсулдор, муҳитнинг айрим биотик ва абиотик омилларига бардошли сара селекцион ашёларини яратиш ва уларни танлаш” мавзусидаги илмий-амалий лойиха бўйича якуний ҳисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – гўза намуналари орасидан вилт касаллигига физиологик ва морфологик белгилари бўйича чидамли К-5608, К-6080, К-5859, К-6191 тизмалар ажратиб олинди. Юқори ҳосилдор SP 225, JS 65, SP 179 ва SP 205 АҚШ намуналари амалий селекция ишларига жалб қилинди.

Маркер ассоциранган селекция (МАС)га доир 130 та якка танлов, 32 та намуна, 23 та қаторли селекция ашёлари териб олинди. Р.К.Шадмановнинг маркер ассоциранган селекциясига доир 1 та нав, М.Сукurov селекциясига доир С-9088 нави Давлат нав синаш (ДНС) грунт назоратида ўрганилди, С-9088 нави ДНСга ўтказилди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – МАС-1 тизмасини Қорақалпоғистон Республикасининг ўртача шўрланган тупроқлари шароитига мосланувчанлигини аниқлашга доир синов ишлари ўтказилмоқда. С-9088 навини ДНС участкаларининг кенг тармоқларида синаш тавсия қилинади.

Кўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги: пахтачилик.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – МАС асосида олинган ўрта толали МАС-2 институтнинг кичик нав синовидан ўтказилди. Ҳосилдорлиги андозадан 6-9 фоизга юқори бўлди.

Тадқиқот обьектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – янгидан яратилган гўза навларининг уруғлик чигитларини кўпайтирган ҳолда уларни ишлаб чиқариш шароитида кенг синовлардан ўтказиш кўзда тутилган.

КХА-8-004 (2012-2014, ПСУЕАИТИ, П.Ибрагимов) “Мураккаб дурагайлаш ва биологик мутагенлар асосида ўрта толали иммунологик селекцион ашё яратиш” мавзусидаги илмий-амалий лойиха бўйича якуний ҳисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – вилт ва гоммоз касалликларига ўта бардошли бўлган F_1 - F_8 дурагай ва тизмалар ажратиб олиниб, институт нав синовига, янгидан яратилган С-2615 гўза нави эса Давлат нав синовига топширилди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – Давлат нав синовидаги С-2612 гўза нави Сурхондарё вилояти фермер хўжаликлари шароитида кенг ишлаб чиқариш синовларидан ўтмоқда.

Кўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги: пахтачилик.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – фермер хўжаликлари шароитида С-2612 гўза навидан гектар ҳисобига 45-50 центнер пахта ҳосили олинди. Ҳозирда вилоят фермерлари томонидан ушбу навга талаб ортиб бормоқда.

Тадқиқот обьектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – С-2612 гўза нави экин майдонларини кенгайтириш, Л-1, Л-20, Л-7777, Л-707 ва Л-116 тизмаларини тезкор кўпайтириш ва навдорлигини ошириш кўзда тутилган.

КХА-8-084 (2012-2014, ПСУЕАИТИ, М.Сукurov) “Ташқи муҳитнинг экстремал шароитларида ҳосилдорлик, тезпишарлик ва вилтга чидамлилик бўйича рақобатбардош, тола сифати IV типга мос гўза навлари ва тизмаларини туричи узоқ дурагайлаш услуби асосида яратиш” мавзусидаги илмий-амалий лойиха бўйича якуний ҳисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – ғўзанинг С-9083, С-9085, С-9086, “Чарос” ва С-9087 навлари Давлат нав синаш шохобчаларида синовдан ўтказилди. Ушбу навларга дастлабки уруг кўпайтириш элита хўжаликлари очилди. С-9088 гўза нави Давлат нав синовига топширилди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – Давлат нав синовларидан ижобий ўтган С-9085 гўза нави Қорақалпоғистон Республикаси бўйича истиқболли деб топилди ва 4000 гектар майдонга экилди. “Чарос” ва С-9086 гўза навлари ишлаб чиқариш синовларидан ўтказилмоқда.

Кўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги: пахтачиликка.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – сув танқислигига ва шўрланишга бардошли С-9085, сув танқислигига ва гармселга бардошли С-9086 гўза навларини жорий этиш пахта ҳосилдорлигини гектаридан 3-4 центнерга ошишига имкон яратади.

Тадқиқот обьектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – С-9085 гўза навини экилиш майдонларини кенгайтириш ва районлаштириш, С-9086 гўза навини Сурхондарё вилоятидаги фермер хўжаликларининг кенг майдонларида ишлаб чиқариш синовларини ўтказиш, С-9088 гўза навини эса Давлат нав синовида ўрганиш режалаштирилган.

ҚХА-8-016 (2012-2014, ПСУЕАИТИ, С.Эгамбердиева) “Ғўзанинг интрогрессив шакллари иштирокида олинган янги тизмалардан селекцияда фойдаланиш асосида комплекс белги ва хусусиятларга эга, *Verticillium dahliae* Kleb. замбуруғининг табиий ирқлари ва сўрувчи ҳашаротларга чидамли навларни яратиш ва жорий этиш” мавзусидаги илмий-амалий лойиха бўйича якуний хисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – ғўзанинг интрогрессив шакллари иштирокида олинган қимматли хўжалик белgilари ҳамда касаллик ва сўрувчи ҳашаротларга чидамлилиги бўйича андоза навларидан устун бўлган Л-248, Л-199, Л-241, Л-243, Л-245, Л-2552 ва Л-555 янги селекцион тизмалар яратилди. Ғўзанинг С-6775 навига ихтиро патенти олинди, бу нав Давлат реестрига киритилди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – Л-2505 тизмаси (*G.lobatum* Gentry иштирокида олинган) грунт назорат кўчатзорида ўрганишга тавсия этилди. Янги С-6779 нави (*G.trilobum* Skovsted иштирокида олинган) Давлат нав синаш шохобчаларига тавсия қилинди. Янги С-6778 ва С-911 навларининг синаш ишлари давом эттирилди.

Кўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги: пахтачилик.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – ушбу навларни ишлаб чиқаришга жорий қилиниши билан юқори ҳосил етиштириш ҳисобига ҳар гектар майдондан 3-5 ц кўшимча хомашё олинади. Янги навлар тезпишар бўлгани учун етиштирилган ҳосилни совукли кунларгача тез ва сифатли териб олиш имконини беради.

Тадқиқот объектнинг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – ғўзанинг С-6780, С-911, С-6778 ва С-6779 навларини синаш ишларини давом эттириш С-6775 навининг эса экин майдонларини кенгайтириш кўзда тутилган.

ҚХА-8-025 (2012-2014, ПСУЕАИТИ Сурхондарё ИТС, А.Донабоев) “Ғўзанинг ўрта толали IV тип ҳамда ингичка толали I-III типларга мансуб, толаси, узун, ранги оқ иссиқлика ва сувсизликка чидамли ҳосилдор навларини яратиш ва давлат нав синовига топшириш” мавзусидаги илмий-амалий лойиха бўйича якуний хисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – Республикамизнинг жанубий минтақаларида экстремал иқлим шароитига мос серҳосил ва сифатли, III типга жавоб берадиган “Термиз 202” ғўза нави сув танқислиги ва тупроқ шўрланиши юқори бўлган ҳудудларга қўшқаторлаб (60x30 схемада) экилади. I тип тола

берадиган “Термиз-208” ғўза навининг бирламчи уруғлиги ташкил этилди. IV тип толали ЎзПИТИ-1604, ЎзПИТИ-1606 янги ғўза навлари Давлат нав синовининг грунт назоратига топширилди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – ғўзанинг “Термиз-202” нави 2012 йилда 1947 гектар майдонга экилди ва гектаридан ўртача 33-34 центнер пахта ҳосили етиштирилди. “Термиз-208” навидан 1730 кг сифатли уруғлик тайёрланди.

Кўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги: пахтачилик.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – янгидан яратилган “Термиз-202” нави андоза навга нисбатан ҳар гектаридан 3,0 центнер кўшимча ҳосил беради.

Янги яратилган ЎзПИТИ-1604 ва ЎзПИТИ-1606 навлари амалиётдаги “Наманганд 77” ва “Бухоро 102” навларига нисбатан 4,0 ц/га қўшимча ҳосил беради, тезпишарлиги, ҳосилдорлиги ва тола чиқишининг юқорилиги билан фарқ қиласи.

Тадқиқот объектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – янги яратилган тезпишар, курғоқчиликка чидамли, серҳосил, тола чиқиши юқори (40-41 фоиз) бўлган ЎзПИТИ-1604 ва ЎзПИТИ-1606 навлари майдонларини кенгайтириш тавсия этилади.

ҚХА-8-023 (2012-2014 ПСУЕАИТИ , Н.Авлиёқулов) “*G.barbadense* L. ва *G.hirsutum* L. турига мансуб ғўзанинг абиотик табиий шароитларга чидамли, тезпишар, серҳосил, касаллик ва зараркундаларга бардошли, жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган янги навларни яратиш” мавзусидаги амалий лойиха бўйича якуний хисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – Давлат нав синаш комиссиясидаги янги ЎзПИТИ 1602 ғўза нави 2012-2014 йиллар давомида Термиз ва Шеробод туманлари фермер хўжаликларининг 304 гектар майдонига экилди ва гектаридан 40-43 центнердан ҳосил олишга эришилди.

Конкурс навлар танлов кўчатзорида 50% кўсакларнинг очилиш мезонида ингичка толали “Термиз 52” 98 кун, ўрта толали “Дўстлик 5”, “Дўстлик 6”, “Дўстлик 7” 99 кун ёки андаза навларга қараганда 2-3 кун тезпишарлиги аниқланди; сентябрь ҳосилини ҳисоблаганда ингичка толали “Термиз 48”, “Термиз 52”, 34,4-35,0 ц/га, ўрта толали “Дўстлик 6”, “Дўстлик 5”, “Дўстлик 7” 34,0-34,8 ц/га, умумий ҳосил бўйича ингичка толали “Термиз 52” 41,7 ц/га ёки андаза навларга нисбатан 5,0-20,0%, ўрта толали “Дўстлик 52” 43,2 ц/га ёки андаза “Наманганд 77”, “Бухоро 6” навларига нисбатан 6-14 % қўшимча ҳосил берилди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – Ўзбекистоннинг энг жанубий дашт минтақаси экстремал шароитига мос ўрта толали ғўзанинг IV типга ва ингичка толали ғўзанинг I-II типга мансуб бўлган янги, серҳосил, тезпишар, касалликларга чидамли, толаси халқаро андазаларга жавоб берадиган “ЎзПИТИ 1602” ва “Термиз 49” янги навлари Давлат нав синовларидан ўтмоқда.

Кўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги: пахтачилик.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – Сурхондарё вилоятининг экстремал шароитида яратилган ғўзанинг ингичка ва ўрта толали янги нав ва намуналардан селекция жараёнида серҳосил, тезпишар, сифатли тола берувчи навларни яратишда фойдаланилади. Давлат нав синаш шоҳобчаларида синалаётган ингичка толали серҳосил, тезпишар, тола сифати жаҳон бозор талабларига мос “Термиз-49” ва ўрта толали Дўстлик-3 ЎзПИТИ 1602 навлари фермер хўжаликларида экилиб, 3-5 ц/га юқори ҳосил этиштириш имконини берди ва фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини ошириди.

Тадқиқот обьектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар бошлангич жаҳон коллекцияси материалларидан фойдаланиб Сурхондарё вилоятининг экстремал шароитларига мос ингичка ва ўрта толали ғўзанинг тезпишар, серҳосил, касаллик ва зааркунандаларга чидамли навларини яратиш ишлари давом эттирилади.

ҚҲА-8-013 (2012-2014, ПСУЕАИТИ, Ж.Ахмедов) “Республиканинг турли тупроқ-иқлим ва экстремал (шўрланиш, курғоқчилик, гармсел) шароитларига мослашувчан, тезпишар, серҳосил, турли касалликлар (илдиз чириш, гоммоз, вилт) ва зааркунандалар (трипс, шира, ўргимчаккан) га чидамли ғўзанинг янги навларини яратиш ва уларни давлат нав синовига тавсия этиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа бўйича якуний ҳисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – 2014 йилда ЎзПИТИ тажриба даласидаги биология ва селекция кўчатзорларида жами 419 та дурагай авлодлари ўрганилиб, тезпишарлиги, серҳосиллиги, тола сифати ва хўжалик қимматли белгиларига кўра ота-она шаклларига нисбатан устун бўлган 850 та якка танловлар ва 125 та оиласидаги танловлар тереб олинди. Давлат нав синовидан ўтаётган “ЎзПИТИ-102” ғўза навидан жами 250 та якка танловлар, 25 та оила, 250 кг супер элита уруғлик; янги яратилган “ЎзПИТИ-103” ғўза навидан 2000 та якка танлов, 200 оила, 200 кг супер элита, 35,0 тонна элита ва 150,0 тонна R-1 уруғликлари ва янги Л-135 линиясидан 60 кг элита уруғ, “Наврўз” ғўза навидан 600 та якка танловлар, 120 та оила, 0,5 тонна супер элита, 10,0 тонна элита ва 486 тонна R-1 уруғликлари тереб олинди.

“Пахтакор-1” ғўза навидан 2000 та якка танловлар, 250 та оиласидаги танловлар, 25 та оила, 1,4 тонна супер элита ва 80,0 тонна R-1 уруғликлари тайёрланди. “ЎзПИТИ-201” ғўза навидан 700 та якка танлов, 96 оила, 1,4 тонна супер элита ва 2,3 тонна элита уруғликлари терилиди. “ЎзПИТИ-2201” ғўза навидан 500 та якка танлов, 74 та оила, 1,4 тонна элита ва 86,0 тонна R-1 уруғликлари олинди. “ЎзПИТИ-2601” ғўза навидан 1671 та якка танлов, 85 та оила, 16,0 тонна элита уруғликлари тайёрланди. “ЎзПИТИ-1602” ғўза навидан 100 якка танлов, 41 та оила, 10,0 тонна элита уруғликлари терилиди. “Зарафшон” ғўза навидан 500 та якка танов, 50 та оиласидаги 0,2 тонна супер элита ва 3,0 тонна элита уруғликлари 2015 йил ҳосили учун тайёрлаб қўйилди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – Давлат нав синовидан муваффақиятли ўтган “Наврўз”, “Пахтакор-1”, “Туракўрғон-4”, “ЎзПИТИ-201” ғўза навларини ДНСК хулосаси ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тавсиясига биноан истиқболли деб топилиб, уларнинг бирламчи уруғчилиги ташкил этилди. “Наврўз” ғўза нави Тошкент вилояти ва Сирдарё вилоятларида 4,2 минг га, “Пахтакор-1” ғўза нави Жиззах ва Сирдарё вилоятларида 4,2 минг га, “Туракўрғон-4” ғўза нави Навоий ва Наманган вилоятларида 0,3 га ва ЎзПИТИ-201 ғўза нави Андикон вилоятида 0,1 минг га майдонга жорий этилди.

Кўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги: пахтачилик.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – мазкур ғўза навларини ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида пахтадан барқарор равишида юқори ҳосил олиш таъминланади.

Тадқиқот обьектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар яхни навларни Республика пахтачилик фермер хўжаликлари ишлаб чиқаришига кенг жорий этиш ишлари олиб борилади.

ҚҲА-8-080 (2012-2014, ПСУЕАИТИ, Р.Ким) “Тезпишар, серҳосил, юқори тола чиқими (38-42%) ва сифатига эга, вертициллиум замбуруғининг табиий янги вирулент популяцияларига ҳамда кора илдиз чириши ва гоммозга комплекс бардошли ғўза навлари ва тизмаларини яратиш” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа бўйича якуний ҳисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – истиқболли С-8286 ғўза нави Наманган вилоятида 3200 га, С-8294 ғўза нави Хоразм вилоятида 1380 га, С-8295 ғўза нави Наманган вилоятида 45 га, С-8292 ғўза нави Фарғона вилоятида 10 га, Навоий вилоятида 3 га майдонда экилди. Тезпишар, серҳосил, тола сифати

юқори, вилтга юқори чидамли бўлган ноёб Т-880, Т-45/573, Т-83 ва Т-45 тизмалар яратилди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – С-8294 (“Гурлан”), С-8295 (“Уйчи-55”) навлари Давлат нав синовида ўрганилиб, улар кенг ишлаб чиқариш синовларидан ўтказилмоқда. Яратилган Т-375 тизмаси грунт назоратига тавсия этилди.

Кўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги: пахтачилик.

Иқтисодий самарадорлик ёки ишнинг аҳамияти – янги навларни жорий этиш натижасида гектар хисобига қуидаги самарага эришилди: “Омад” нави Самарқанд вилоятида – 195062 сўм/га, Қорақалпоғистон Республикасида – 234358 сўм/га; С-8284 нави Самарқанд вилоятида – 257301 сўм/га; С-8286 нави Наманган вилоятида – 195062 сўм/га; С-8290 нави Фаргона вилоятида – 533232 сўм/га.

Тадқиқот обьектиниң ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – С-8294 (“Гурлан”), С-8295 (“Уйчи-55”) янги гўза навларининг экин майдонларини кенгайтириш, Т-375 тизмасини ДНС шохобчаларида синаш, янги гўза навларини яратишда олинган тизмалардан селекция ишларида кенг фойдаланиш кўзда тутилган.

КХА-8-002 (2012-2014, ПСУЕАИТИ, Ж.Аҳмедов) “Гўза ингичка толали G. barbadense L. турига мансуб, биотик ва абиотик омилларга бардошли, тезпишар, юқори тола чиқимига эга, серҳосил, тола сифати 1-типларга хос истиқболли тизмаларни яратиш ва уларни Давлат нав синаш комиссияга топшириш” мавзусидаги илмий-амалий лойиха бўйича якуний хисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – “Сурхон-102” ингичка толали гўза навига ихтиро патенти олинди. Янги “Сурхон-103” нави патент олишга лаёқатли деб топилди. Ҳар хил синов ва изланишлар учун зарур бўлган истиқболли селекцион материаллар яратилди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – “Сурхон-103” ингичка толали гўза нави ишлаб чиқариш шароитида ўрганиш учун тавсия этилади.

Кўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги: пахтачилик.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – фермер хўжаликларида ингичка толали толаси I^A типга мансуб “Сурхон-103” гўза навини ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида пахта ҳосилдорлиги ва тола сифати бўйича қўшимча даромад олиш имконияти яратилади.

Тадқиқот обьектиниң ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – “Сурхон-103” ингичка толали гўза навининг тола сифатига тўқимачилик саноати талаблари бўйича баҳо бериш ишларини бажариш режалаштирилган.

КХА-8-020 (2012-2014, ПСУЕАИТИ Қашқадарё илмий-тажриба станцияси, И.Рахматов) “Жанубий минтақаларнинг экстремал (курғоқчил, шўр, гармсел) шароитларида мослашган, толаси жаҳон андазалари талабларида жавоб берадиган, тезпишар ва ҳосилдор янги навларни яратиш учун дастлабки селекцион материалларни олиш” мавзусидаги илмий-амалий лойиха бўйича якуний хисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – Қашқадарё вилоятининг тақирсимон тупроқлари шароитида юқори ва сифатли ҳосил берадиган янги гўза тупроқлари шароитида юқори ва сифатли ҳосил берадиган янги гўза навларини яратишда зарур бўладиган дастлабки селекцион материалларни барпо этиш мақсадида биологик авлодлар (F-1, F-2, F-3) ва селекция (F-4) барпо этиш мақсадида биологик авлодлар (F-1, F-2, F-3) ва селекция (F-4) кўчатзорларидан 3148 та якка танлов ва 122 та оила намуналари ажратиб олинди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – ажратиб олинган якка танлов ва оиласалар намуналарининг лаборатория таҳлиллари ўтказилиб, уларнинг уруғлари 2015 йилда экиш учун тайёрлаб кўйилди.

Кўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги: пахтачилик.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – тадқиқот натижалари билан ажратиб олинган якка танлов намуналари ва селекция оиласаларидан келгусида вилоят тупроқ-иклим шароитида парваришланаётган гўза навларидан 10-15 % қўшимча ҳосил берадиган, толаси 0,8 % га кўп, кўсакларни пишиб етилиши 3-4 кунга эртаки ва тола узунлиги 1,2 мм га узун бўлган янги гўза навларини яратиш ишларида фойдаланилади.

Тадқиқот обьектиниң ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – ажратиб олинган якка танлов ва селекция оиласалари намуналаридан 2015-2017 йилларда селекция ишларини бажаришда фойдаланилади. Самарали оила ва тизмалар ажратиб олинади. Уларнинг синовлари ўтказилиб, давлат грунт назорат кўригига тақдим этиш учун тизма тайёрланади.

ҚХА-8-018 (2012-2014, ПСУЕАИТИ Бухоро ИТС, С.Махсудов)
“Мамлакатимизнинг жанубий минтақалари табиий иқлим шароитлариiga мос келадиган ғўзанинг серҳосил, тола сифати ва чиқиши, халқаро андозалар талабига жавоб берадиган, чигитининг униб чиқиши қуввати ва майдорлиги юқори бўлган, шира, трипс, қўсак қурти ва бошқа заараркунандалар, касалликлар ҳамда табиий муҳитнинг нокулайликлариiga, шўрга, гармселга, сув тақчилликлариiga бардошли тезпишар навларни яратиш” мавзусидаги амалий-илмий лойиҳа бўйича якуний хисоботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – бажарилган тадқиқотлар натижалари билан биологик ва селекцион кўчатзорларидан 534 та дурагай комбинациялик 4300 та якка танловлар ва оиласвий терим материаллари териб олинди ва янги 36 та тизмалар ажратилди. Ота-она кўчатзоридан 96 хил дурагай комбинацияси билан ғўза гуллари чатиштирилиб, 475 та қимматли дурагай кўсаклар олинди. Танлов нав синови ва истиқболли линияларни кузатиш ва кўпайтириш кўчатзоридан бир қатор ижобий белгилар мажмуаси бўйича Л-592, Л- 1157, Л – 342, Л- 301, Л- 765 ва Л-89-10 тизмалари ажратилди. Уларнинг қимматли хўжалик белгилари, технологик, сифатий ва иқтисодий кўрсаткичлари аниқланди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – барча кўрсаткичлари бўйича андаза навига нисбатан эътиборга молик бўлган Л-592 тизмасини грунт назоратга топшириш учун зарур бўлган хужжатлар расмийлаштирилди.

Күлланиш сохаси – қишлоқ хұжалиғи: пахтачилик.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – янги ғўза нави (Л-592 тизмаси) андазага нисбатан тезпишар, серҳосил, касаллик ва зааркунандаларга нисбатан бардошли, юқори сифатли тола бериши эвазига иқтисодий самарадорлик (рентабеллик)ни 10 фоизга ва соғ даромадни 10-15 фоизга ортиши таъминланади.

Тадқиқот объектиниң ривожланиши бүйича прогноз таклифлар – Л-592 тизмаси грунт назоратта топширилди. Грунт назорат синовидан ўтгандан кейин Давлат нав синовига узатылды. Бу синовлар натижаси ижобий бўлган тақдирда уларнинг ишлаб чиқариш синовлари ўтказилиб, дастлабки уруғчилиги барпо этилди.

ҚХА-8-014 (2012-2014, ПСУЕАИТИ Андикон ИТС, А.Қосимов)
“Фарғона водийси (Андижон, Наманган ва Фарғона) вилоятларининг
турли экстремал шароитларига (қурғоқчилик, касаллик ва шўрга)
чидамли, тезпишар, ҳосилдор ҳамда толаси жаҳон андазаси талабларига
жавоб берадиган IV-V типга мансуб, ғўза навларини яратиш ва
уларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш” мавзусидаги илмий-

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – уч йиллик изланишлар якуни билан ажратиб олинган ота-она шакллари, биринчи ва иккинчи авлод дурагайлари тадқик қилинди. Натижада 34 та оила кенгайтирилган нав синаш кўчатзорига, шундандан 8 та оила танлов нав синаш кўчатзорига берилди. Шунингдек, 14 та оила Марказий Фарғонанинг ўртача шўрланган ерида “Танлов нав синов” тажрибасида чукур ўрганилди. Ўрганиш жараёнида 106 ва 92-тизмалар хўжалик учун қимматли белгилари билан андаза навига нисбатан юкори кўрсаткичларга эга бўлди.

Жорий этиш бўйича тасиялар – 106 тизма идораларо комиссиянинг қарори билан Давлат нав синаш ташкилотининг навдорликни назорат қилиш комиссиясига тавсия қилинди.

Күп даниш сахаси – қишлоқ хұжалиги: пахтачилек. „Маркази ахамияти = Марказий

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – Марказни Фарғонанинг ўртача шўрланган ерларига мослашган янги нав яратиш учун зарур бўлган **бошланғич уруғ** материали яратилади. Шўрга чидамли, ҳосилдор, янги навнинг яратилган бошланғич уруғ материалларини кўпайтирилиши натижасида, 3-5 кўсаклар 3-5 кун эрта етилади ва пахта ҳосилдорлиги гектар ҳисобига 5-6 центнерга ошади.

Таджиқот объектиниң ривожланиши бўйича прогноз таклифлар янги гўза навини Марказий Фарғонанинг ўртача шўрланган ерларида катта майдонларда жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

ҚХА-8-015.(2012-2014, ПСУЕАИТИ Андижон ИТС, Эгамов X)
“Андижон вилоятининг турли тупроқ-иқлим шароитларига мослашган, тезпишар, ҳосилдор, чигитининг майдорлиги юқори, касаллик ва зааркунандаларига чидамли, IV-V типига хос тола берадиган янги навларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш” мавзуси бўйича якуний хисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – дурагайлардан Ибрат-Андижон-37 ширага, Андижон-36-Ибрат ўргимчакканага, Андижон-35-Ибрат ва Ибрат-Андижон-37 кўсак қуртига бардошли эканлиги аниқланди.

Улар орасидан мужассам хўжалик белгиларига эга бўлган Андижон-35-Андижон-36 (1-тизма), Андижон-36-Ибрат (2-тизма) ва 09217-961-Т(3-тизма) дурагайлари алоҳида аҳамиятга моликлиги учун ажратиб олиниб, 3-тизма “ЎзПИТИ-203” номи билан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик экинларининг синаш Давлат комиссиясининг грунт назорати синовига топширилди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – биринчи марта Андижон вилоятининг тупроқ-иқлим шароитларига мос тезпишар, ҳосилдор, ғўзанинг зааркунандаларига чидамли IV-V типига хос тола берадиган, янги навларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш учун 1, 2, 3 тизмалар яратилиб, янги навларни чиқариш учун селекционерларга тавсия қилинди.

Кўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги: пахтачилик.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – буни аниқлаш учун тажриба натижасида яратилган “ЎзПИТИ-203” нави андаза С-6524 нави билан қиёсланди. Янги нав “ЎзПИТИ-203” дан 41,5 ц/га, С-6524 навидан эса 35,5 ц/га ҳосил олинди. Ғўза зааркунандаларига чидамли янги навларни ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида моддий-техника ресурслари сарфи камаяди. Тола чиқиши 1,0-1,5 фоизга, тола узунлиги 1,5-2,0 мм га юқори бўлади.

Тадқиқот объектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – IV саноат типига хос тола берадиган ҳосилдор, тезпишар, ғўза касаллик ва зааркунандаларига чидамли янги “ЎзПИТИ-201”, “ЎзПИТИ-202”, “ЎзПИТИ-203” навларининг ва ишлаб чиқариш синовлари давом эттирилади.

КА-8-003 (2012-2014, ПСУЕАИТИ Қашқадарё илмий-тажриба стансияси, Р.Чориев) “Қашқадарё вилоятида тизмаларни ажратиб олиш, кўпайтириш ва синаш” мавзусидаги илмий-амалий лойиха бўйича якуний хисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – назорат нав синаш кўчатзорларида 49 та тизма синалди. Синалган 7 та тизманинг микронейр кўрсаткичи 4,5-4,6 га, 5 та тизманинг тола узунлиги 1,20-1,22 дюйм, 3 та тизманинг тола узунлиги бўйича бир хиллиги 84,8-85,6 %, 4 та тизмада толанинг нур қайтариши 81,1-82,9 %, 6 та тизманинг чигит ёғдорлиги 20,07-21,03 % атрофида бўлди.

“ЎзПИТИ-2601” ғўза навидан 3754 та якка танлов ва 85 та оила ажратиб олинди, 5800 кг супер элита авлодли уруғлиги жамғарилди. Ушбу нав Қарши, Косон ва Касби туманларида экилиб, гектаридан 31,1-47,7 центнердан пахта ҳосили териб олинди.

2015 йилда дастлабки грунт-назорат кўригига тақдим этиладиган янги ўрта толали 8-тизманинг (ЎзПИТИ-2602) ўсув даври 117 кун, андаза навга нисбатан кўшимча ҳосили 12,5 %, битта кўсакдаги пахта вазни 5,8 г, 1000 дона чигит оғирлиги 118 г, тола чиқиши 37,4%, микронейр кўрсаткичи 4,6, тола узунлиги 1,22 дюйм, тола бир хиллиги 85,0 %, толанинг нур қайтариши 81,8 %, толанинг сариклик даражаси 8,4 %, чигит ёғдорлиги 21,03 % га тенг эканлиги аниқланди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – янгидан яратилган “ЎзПИТИ-2601” ғўза навининг бирламчи уруғчилиги Касби туманидаги С.Насафий номли янги навлар бирламчи уруғчилиги лабораториясида ташкил этилди. Янги толали 8-тизма СП-2602 номи билан давлат грунт-назорат кўригига тақдим этилди.

Кўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги: пахтачилик.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – яратиладиган янги навдан вилоят тупроқ-иқлим шароитида парваришланаётган ғўза навларига нисбатан кўшимча 10-15 % ҳосил ва 0,8 % тола олинади; кўсаклар 3-4 кун эрта пишиб этилади ва тоза узунлиги 1,2 мм. га ортади.

Тадқиқот объектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – янги тизмаларни районлашган ғўза навлари билан тақослаш синови ўтказилади. Янги навларнинг турли тупроқ-иқлим шароитига эга худудларда ишлаб чиқариш синовлари ташкил этилади.

КХА-8-026 (2012-2014, ПСУЕАИТИ Хоразм ИТС, Х.Ибрагимов)
“Хоразм воҳасида экилаётган ғўза навларига нисбатан эртапишар, серхосил, шўрга чидамли янги нав ва тизмаларнинг қимматли хўжалик белгиларини қиёсий ўрганиш ҳамда юқори кўрсаткичга эга бўлганларини Давлат нав синовига тавсия этиш” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа бўйича якуний ҳисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – ғўзанинг районлашган “Наманган-34” нави ва 012090 рақамли коллекция намунасининг табиий эртапишар биотипларининг якка танлови асосида янги T-8-026-1 ва T-8-026-2 тизмалар яратилди. Ушбу тизмаларнинг андаза “Хоразм -127” навига нисбатан тола чиқими 2-3 фоизга ва ҳосилдорлиги 10-15 фоизга юкори бўлди ҳамда кўсаклар 10-15 кун олдин пишиб етилди. 2015 йилда T-8-026-1 ва T-8-026-2 тизмаларни Давлат навсиша комиссиясининг грунт назоратига топширилиши режалаштирилмоқда.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – янги Т-8-026-1 тизмаси чигитни кўшқатор схемада экишга ҳамда пахта ҳосилини машиналар ёрдамида йифиб-теришига жуда қулай. Хоразм вилоятининг кўл теримига ишчи кучи этишмайдиган ҳудудларида экишга тавсия этилади.

Күлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги: пахтачилик.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – андаза “Хоразм-127” навига нисбатан тезпишарлиги ва биринчи теримнинг салмоғи юқорилиги туфайли ушбу тизмаларни жорий этилиши натижасида эртаки ҳамда сифатли ҳосил этиштиришга эришилади, гектарига 10-15 центнердан қўшимча ҳосил олинади.

Тадқиқот объектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – ушбу тизмалар асосида яратиладиган янги ғўза навларини сувсизликка ва шўрга чидамлилиги туфайли Хоразм вилоятининг сув таъминоти оғирроқ бўлган Янгиариқ, Кўшкўпир ва Хива ҳудудларига ҳамда тупроқнинг шўрланиш даражаси юқори бўлган барча экин майдонларига жойлаштириш бўйича агрономик тадбирлар амалга оширилади.

ҚХА-8-073 (2012-2014, ПСУЕАИТИ, М.Исроилов) “Янги ғұза навларини ҳар хил экологик шароитда нав синовини ўтказиша баъзи бир хўжалик белгиларини баҳолаш услугини такомиллаштириш ва истиқболли навларнинг нав тозалигини сақлаган ҳолда уругини кўпайтириш” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа бўйича якуний ҳисоботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – ижобий белгилар мажмуасига эга бўлган
ғўзанинг 36 та янги тизмалари кичик нав синовидан катта нав синовига, 23 та
нав идораларо комиссия хulosасига кўра Давлат нав синовининг грунт
назоратига синаш учун топширилди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – пахта хосилдорлиги, тола чиқими ва сифати ҳамда вилт касаллигига бардошлилиги бўйича ТХ-101, Т-7549, ЛЦГ-22/06, ЛЦГ-22/06, Т-2505 ва ЛЦГ-2014 янги тизмалардан селекцион тадқикотларда бошланғич ашё сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

Кўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги: нахта тизмалар

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнин аныкталуулуктары
давлат нав синовидан муваффакиятли ўтган тақдирда ҳосилдорлик, вилт
касаллигига бардошлилиги, тезпишарлиги, тола чиқими ва сифати бўйича
андаза навлардан устун бўлган янги гўза навларини яратиш ва ишлаб
чиқаришга жорий этиш имкониятлари пайдо бўлади.

Чиқаришга жорий этиш имкониятлари пайдо сузган. Тадқиқот объектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – янгидан яратилган тизмаларни грунт назоратда навдорлигини баҳолаш ишларини олиб бориш, ДНС шохобчаларида ўрганиш ва қайси иқлим шароитига мослигини аниклаш кўзда тутилган.

КХА-8-072 (2012-2014, ПСУЕАИТИ, Я.Бобоев) “Республиканинг
экстремал (сув танқислиги, шўрланган тупрок) шароитларида
етиширилган гўзанинг янги навларида уруғлик чигит сифати ва
хўжалик кўрсаткичларини ўрганиш ҳамда юкори кўрсаткичга эга
бўлган навларни амалиётга тавсия этиш” мавзусидаги илмий-амалий
лойиха бўйича якуний хисботнинг
РЕФЕРАТИ

отним РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – янгидан яратилган “Турлан ва С-8292 навларининг дала шароитида унуччанлик, майдорлик, тезпишарлик (1-2 кун), 1 дона кўсакдаги пахта вазни (0,2-0,5 г), хосилдорлик (4-5 ц/га) кўрсаткичлари бўйича андаза “Мехнат” навидан устун эканлиги аниқланди.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – элита уруғчилик хўжаликларида ишлаб чиқаришга кетадиган ҳаражатлар 20 фоизга камаяди ва уруғ етишириш муддати бир йилга қисқаради.

Тадқиқот обьектиниң ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – янги услугни Республикадаги элита уруғчилик хўжаликларида ва янги навларни уруғларини дастлабки кўпайтириш уруғчилик фермер хўжаликларида жорий этиш кўзда тутилган.

ҚХИ-5-041-2013 (2013-2014, ПСУЕАИТИ Фарғона ИТС, Р.Мусаев)
“Республиканинг турли тупроқ-иқлим шароитларида ғўзанинг истиқболли “Жайхун”, “Тўракўрғон-4” ва янги “ЎЗПИТИ-2201” навларининг навдорлигини меъёрига етказиш ва бирламчи уруғчилигини ташкил этиш” мавзусидаги инновация лойиҳа бўйича якуний хисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – ПСУЕАИТИнинг Фарғона, Андижон, Наманган илмий тажриба станцияларида яратилган “ЎЗПИТИ - 2201”, “Жайхун”, “Тўракўрғон-4” ғўза навларининг супер элита, элита уруғларини кўпайтириш ва навдорлигини ошириш тадбирлари бажарилди, бирламчи уруғчилиги ташкил этилди. Бу ғўза навлари бўйича 1 - йилги уруғлик кўчатзори ва уруғликка кўпайтириш кўчатзорларида амалий ишлар ўтказилиб, ўсув даврида 3 маротаба дала кўриги ўтказилди. Ҳар бир навнинг якка танлов ва оиласлари териб олинди. Кўчатзорларда нав тозалиги 99 - 100 % га етказилди.

Мазкур ғўза навларидан 2-3 та элита уруғчилик хўжаликларига етарли микдорда 3550 дона якка танлов ва 1035 дона оила келгуси йилга экишга тайёрланди; бу навлардан 4000 кг супер элита, 5100 кг элита ва 96 тонна биринчи авлод уруғи териб олинди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – “Жайхун”, “Тўракўрғон-4” ва янги “ЎЗПИТИ-2201” ғўза навларини супер элита, элита, R₁ уруғларини экиш бўйича Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалар ва фермер хўжаликлари тақлифлар берилди.

Қўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги: пахтачилик.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – янги навлар навдорлигини 99-100 фоизга етказиб, уруғини жадал усулда кўпайтириб, фермер хўжаликларга супер элита, элита, R₁ уруғларини етказиб бериш орқали пахта ҳосилдорлигини ошиши таъминланади.

Тадқиқот обьектиниң ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – “Жайхун”, “Тўракўрғон-4” ва янги “ЎЗПИТИ-2201” янги ғўза навларини Республиканинг бошқа вилоятларида ҳам кенг синовдан ўтказиш, нав

тозалигини 99-100 % етказиш ва уларни давлат реестрига киритиш режалаштирилган.

ҚХИ-5-072-2013 (2013-2014, ПСУЕАИТИ Хоразм ИТС, X.Ибрагимов) «Янги “Парвоз” ғўза навини бирламчи элита уруғчилик материалларини жадал усулда кўпайтириш, навдорлигини давлат андазалари талаб даражасига етказиб, элита уруғлик хўжаликларини юқори сифатли уруғлик билан таъминлаш» мавзусидаги инновация лойиҳа бўйича якуний хисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – ғўзанинг истиқболли “Парвоз” навининг бирламчи ва элита уруғчилиги ташкил қилиниб, навдорлиги Давлат андазаси талабларига етказилди. Биринчи йил уруғ кўчатзори учун 1000 дона якка танлов намунаси, иккинчи йил уруғлик кўчатзори учун 500 дона оила, уруғ танлов намунаси, иккинчи йил уруғлик кўчатзори учун 3000 дона оиласларий ва 9-10 тонна элита уруғликлари тайёрланди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – ушбу нав сувсизликка чидамли бўлгани учун Хоразм вилоятининг сув таъминоти оғирроқ бўлган ҳудудларида экишга тавсия этилади. “Парвоз” нави чекланган шохланишга эга. Шу боис ҳозирда республикамизда кенг жорий қилинаётган қўшқатор схемада экишга жуда кулайдир. Бундан келиб чиқиб, вилоятда қўшқатор схемада ғўза етишираётган фермер хўжаликларида ушбу навни кенг жорий қилиш тавсия қилинади.

Қўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги: пахтачилик.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – Парвоз навини қўшқатор схемада экиб, кўчат қалинлигини гектарига 140 минг донага етказиб, ундан 40-45 ц/га ёки 5-6 ц/га қўшимча ҳосил олиш мумкин.

Тадқиқот обьектиниң ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – “Парвоз” навининг етишириш агротехникаси, айникса, сугориш меъёри такомиллаштирилади. Чунки меъёридан ошириб сугориш ўтказилганда ушбу навнинг бош поя баландлиги жуда ўсиб кетади, ўрта ярусида ҳосил кам тўпландади, натижада уруғлик пахта ҳосили учун жиддий муаммолар келиб чиқади.

ИК-2013-4 (2013-2014, ПСУЕАИТИ, В.Автономов) "Лазер нури таъсиридан фойдаланиб ғўзанинг С-6524 ва "Наманган-77" навларининг юқори сифатли уруғчилигини ташкил этиш" мавзусидаги инновация лойиҳа бўйича якуний хисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – лазер нури таъсиридан фойдаланиб элита уруғлик хўжаликлари учун С-6524 ва Наманган-77 ғўза навларининг вилтга чидамли, навдорлиги юқори ҳамда оригинал уруғлик материаллари етарли микдорда тайёрланди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – элита уруғлик хўжаликлар ишларида лазер нури таъсиридан фойдаланиб тайёрланган уруғлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Қўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги: пахтачилик.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – С-6524 ва "Наманган-77" ғўза навларининг вилтга чидамли, навдорлиги юқори оригинал уруғларини экиш пахта ҳосилдорлигини кескин ошишини таъминлайди.

Тадқиқот объектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – С-6524 ва "Наманган-77" навларидан тайёрланган оригинал уруғлар ҳажмини кўпайтириш ва улардан барча элита уруғлик хўжаликларида фойдаланиш кўзда тутилган.

ҚХИ-5-056 (2013-2014, ПСУЕАИТИ, Ш.Козубаев) "Истиқболли "Ўнқўргон-1" ғўза навининг элита уруғчилигини Жиззах вилояти шароитида тезкор кўпайтириб, ишлаб чиқаришга татбиқ этиш" мавзусидаги инновация лойиҳа бўйича якуний хисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – "Ўнқўргон-1" ғўза нави бўйича 2015 йил ҳосили учун уруғ кўпайтириш майдонларидан 10800 та якка ва 1378 та намунавий танловлар тайёрланди. 2015 йилда Жиззах вилоятида 2 минг гектар майдонга бу навни экиш режалаштирилди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – "Ўнқўргон-1" ғўза нави бўйича элита уруғчилик хўжалиги ташкил этиш лозим. Мазкур навни Жиззах вилоятининг кенг майдонларига экиш ҳамда навдорлигини сақлаб қолган ҳолда районлаштириш имкониятини беради.

Қўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги, пахтачилик.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – "Ўнқўргон-1" ғўза навини ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида ҳосилдорлик ва тола сифати бўйича қўшимча даромад олиш имкони яратилади.

Тадқиқот объектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – "Ўнқўргон-1" ғўза навини Жиззах, Тошкент, Андижон вилоятларида пахтачилик фермер хўжаликларида етиштириш кўзда тутилган.

ҚХИ-5-084-2013 (2013-2014, ПСУЕАИТИ, Р.Ким) "Ғўзанинг тола сифати юқори IV-V типга мансуб С-8284 ва С-8290 навларини Самарқанд, Фарғона вилоятларида кўпайтириш ҳамда пахтачиликда учинчи репродукция уруғининг ҳосилдорлик хусусиятларини аниқлаш асосида уруғчилик самарадорлигини оширадиган тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш" мавзусидаги инновация лойиҳаси бўйича якуний хисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – тезпишар, юқори ҳосилли С-8284 нави Самарқанд вилояти бўйича районлаштирилди ва унинг экин майдони 8,0 минг гектардан ортди. Истиқболли С-8290 навининг экин майдонлари Наманган ва Фарғона вилоятларида 7,5 минг гектарга кенгайди. Элита хўжаликларида навдорлиги 96-98 % бўлган уруғлик материаллар тайёрланди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – С-8284 ва С-8290 навларини кенг майдонларга экиб, уруғини кўпайтириш тавсия этилади.

Қўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги: пахтачилик.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – элита-уругчилик ишлари давомида Уйчи ва Иштихон туманларида С-8284 ва С-8290 навларининг навдорлиги 3 фоизга яхшиланди. Бу тола сифатини ошишига ва ҳосилдорликни камиди 3-5 ц/га кўпайшига имкон яратади.

Тадқиқот объектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – Самарқанд вилояти Иштихон туманида С-8284 нави бўйича элита хўжалигини очиши, С-8284 ва С-8290 навлари экин майдонларини кенгайтириш режалаштирилган.

ҚХИ-5-131 (2013-2014, ПСУЕАИТИ, Ҳ.Сайдалиев) "Ғўзанинг янги С-01 навининг навдорлигини ошириш, бирламчи уруғчилигини ташкил этиш ҳамда элита хўжаликларига етказиб бериш" мавзусидаги инновация лойиҳаси бўйича якуний хисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – Оққўргон тажриба станциясида ғўзанинг ўрта толали янги С-01 навидан бир хиллиги юқори бўлган элита уруғларини тайёрлаш учун 600 та якка танлов, 150 та оиласиб терим, 150 та намунавий терим, 600 кг микдорда элита уруғлари тайёрланди. Олинган уруғлик ашё 47

асосида кейинги йилда навдор уруғликлар етиштирилди ва элита хўжалигига топширилди. С-01 навига патент олиш учун талабнома топширилди (№NAP 20140001).

Жорий этиш бўйича тавсиялар – С-01 навининг элита уруғларини кўпайтириш ишлари Навоий вилоятида олиб борилади. Бирламчи уруғчиликнинг илмий асосда йўлга қўйилиши натижасида навдорлиги юқори бўлган уруғлар тайёрланади. Ғўзанинг ўрта толали янги С-01 нави юқори агрофонга талабчан бўлиб, тавсия қилинган агротехника тадбирлари ўз вақтида ва тўғри амалга оширилганда юқори сифатли ҳосил олиш имконини беради.

Кўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги: пахтачилик.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – С-01 гўза нави юқори агрофонда яхши натижা беради ва тезпишарлик, ҳосилдорликнинг юқорилиги ва зааркундалар билан нисбатан кам заарланиши ҳисобига ишлаб чиқаришда катта иқтисодий самарадорликка эга бўлади.

Тадқиқот объектиниң ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – С-01 гўза навининг уруғларини Навоий вилояти Хатирчи тумани Оқ-олтин худуди фермер хўжалигининг 10 га майдонида кўпайтириш режалаштирилган.

ҚХА-8-059 (2013-2014, ПСУЕАИТИ, М.Турабходжаева) “Қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини сифат кўрсаткичларини аниқлаш усуслари стандартини такомиллаштириш ва уларга Республика стандартини янги таҳририни ишлаб чиқиши” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа бўйича якуний ҳисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – қишлоқ хўжалик экинлари сифат кўрсаткичларини аниқлаш учун амалдаги стандартлар таҳлил қилинди. Лаборатория шароитида қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини сифатини аниқлаш учун ГОСТ 12036-84, ГОСТ 12037-81, ГОСТ 12038-82, ГОСТ 12039-82, ГОСТ 12041-82, ГОСТ 12042-80 стандартларининг янги таҳрирлари ишлаб чиқилди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – ГОСТ 12036-84, ГОСТ 12037-81, ГОСТ 12038-82, ГОСТ 12039-82, ГОСТ 12041-82, ГОСТ 12042-80 стандартларининг янги таҳрирлари “Ўстандарт” агентлигига топширилди.

Кўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилиги “Ўздавуруғназорат” марказлари, “Ўстандарт” агентлиги, ДНС участкалари.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – ушбу стандартларни жорий қилиш натижасида қишлоқ хўжалик экинларнинг

уруглик фондини тўғри баҳолаш, уруғлик материалларни сифатли тайёрлаш ва назоратлаш имкониятлари яратилади.

Тадқиқот объектиниң ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – ГОСТ 12036-84, ГОСТ 12037-81, ГОСТ 12038-82, ГОСТ 12039-82, ГОСТ 12041-82, ГОСТ 12042-80 давлат стандартларининг янги таҳрирларини чоп эттириш ва ишлаб чиқаришда кенг миқёсда фойдаланиш кўзда тутилган.

БЕДА СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУГЧИЛИГИ БЎЙИЧА

ҚХА-8-081 (2012-2014, ПСУЕАИТИ, Р.Сыдық-Ходжаев) “Беданинг жаҳон генофондининг уруғларини янгилаш ҳамда андазага нисбатан пичан ва уруғ ҳосилдорлиги ва озуқа сифати бўйича устун келадиган намуналар яратиш, шунингдек “Тошкент-1” ва “Тошкент-2009” беда навларининг бирламчи уруғчилигини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа бўйича якуний ҳисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – коллекцион беда намуналаридан 460 таси танлаб олиниб, ҳар тарафлама ўрганилди ва уларнинг уруғлари янгиланиб, сақловга олиб қўйилди. Ушбу намуналардан хўжалик белгилари юқори бўлганлари селекция жараёнига жалб этиш учун ажратиб олинди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – уруғ кўпайтириш кўчатзорида этиштирилган уруғларни кенг майдонларда экиш, уларнинг дастлабки уруғчилик ишлари амалга оширилмоқда.

Кўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – коллекцион нав ва намуналарининг янги гурухи ўрганилиб, уларга агробиологик белги ва ҳусусиятлари бўйича тавсиф берилди. Диккатга сазовор намуналар аниқланади ва чатиштириш ишларига жалб килинади. Беданинг “Тошкент-1” аниқланади ва чатиштириш ишларига жалб килинади. Беданинг “Тошкент-2009” нав уруғлари кенг миқёсда этиштирилади.

Тадқиқот объектиниң ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – ва “Тошкент-2009” нав уруғлари кенг миқёсда бўйича прогноз таклифлар – чатиштириб олинган дурагайлар бир қанча селекция босқичларидан ўтгандан сўнг нав даражасига етказилади.

ҒЎЗА АГРОТЕХНИКАСИ БЎЙИЧА

ҚХА-7-012 (2012-2014, ПСУЕАИТИ, Қ.Мирзажонов) “Фарғона, Кашиқадарё вилоятлари шароитларида 2012-2014 йилларда шамол эрозиясига қарши курашда янги мевали, манзарали ихота ўрмонзорларини барпо қилишда уларни минераллашган сувлар билан

суғоришини фермер хўжаликларида жорий этиш” мавзусидаги илмий-амалий лойиха бўйича якуний ҳисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – Республикаизнинг шамол эрозиясига учраган ерларда мевали ва манзарали дараҳтлардан ихота ўрмонзорларини барпо қилиш учун дараҳт турлари ва оралиқлари асосланди. Эрозион жараёнларни камайтириш, экинлар ҳосилдорлигини оширишнинг ҳамда энг самарали усуллари ишлаб чиқилди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – Марказий Фарғонадаги қум тепаликлар, барханларни текислашда, уларнинг асосий тупроқ тепасидаги қум чукурлиги 1,0-1,8 метрдан чукур бўлмаслиги керак. Чунки бу ҳолатда экин кучсиз минераллашган сувлардан капиллярлар оқали фойдаланади, кўрсатилгандан чукур бўлса, сугорув суви пастки горизонтларга сингиб, бефойда кетади, сув сарфи ошади.

Марказий Фарғонада ихота ўрмонзорлари 3 қаторли бўлиб, 1-2 қатори мевали (олма, ўрик, беҳи, хурмо, нок) ва учинчи қатори манзарали (калифорния тераги), Қашқадарё вилоятида тарқалган тақирсимон тупроқларда ихотазорлар мевали (ўрик, бодом, қароли (олхўри) ва учинчи қатори қалифорния тераги ёки қайроғочдан бўлиши лозим. Ихотазорлар орасининг 200 метр атрофига бўлиши тавсия этилади.

Қўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги: республиканинг шамол эрозиясига учраган ерларда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – ихота ўрмонзорлари ўртасидаги тақирсимон тупроқларда назоратга нисбатан ғўза, буғдой ҳосили 5-7 ц/га ортди, тақирсимон тупроқлар шароитидаги тажрибаларда ўрик ва олхўрининг ҳар бир дараҳтидан 5-6, бодомдан 4-5 кг ҳосил териб олинди. Олинган маълумотлар иқтисодий жиҳатдан рентабеллик эканлигини кўрсатди. Буғдой экилган ҳар бир гектар ердан қўшимча 1164400, ғўздан 380000 сўм даромад олиш таъминланади.

Тадқиқот обьектиning ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – тадқиқот натижаларини Республиканинг шамол эрозиясига учраган ерларида дехқончилик қилаётган фермер хўжаликлида кенг қўллаш тавсия этилади.

ҚҲА-7-043 (2012-2014, ПСУЕАИТИ, И.Хошимов) “Ирригация эрозиясига чалинган ерларда ғўза навларидан юқори ва сифатли ҳосил олиш агротехнологияларини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий-амалий лойиха бўйича якуний ҳисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – Республикаизнинг ирригация эрозиясига чалинган типик бўз тупроқларнинг қиялик ювилган қисмида маъдан ўғитлар

$N_{200} P_{140} K_{10}$ кг/га меъёрда қўлланилиб, гектар ҳисобида 120-130 минг туп кўчат қолдирилганда “Андижон-37” навидан 32,8 ц/га, “Султон” навидан 30,9 ц/га, қияликнинг ювилган қисмида гектарига 80-90 минг туп кўчат қолдирилган варианта 36,6-35,0 ц/га, оч тусли бўз тупроқларда 32,4-33,6; 34,0-33,8 ц/га; ўтлоклашиб бораётган алювиал тупроқларда 31,8-32,9 ц/га, тақирсимон тупроқларда 44,3-45,4 ц/га пахта ҳосили етиштирилди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – ирригация эрозиясига чалинган ерларда ғўза навларидан юқори пахта ҳосили етиштириш учун ғўза навларини нишабликка эга бўлган ерларда қияликнинг тупроғи ювиладиган қисмига гектар ҳисобига 120-130 минг туп, ювилган қисмига 80-90 минг туп кўчат қолдириш, гектарига 200 азот, 140 кг фосфор ва 100 кг калий қўллаш тавсия қилинади.

Қўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги: пахтачилик фермер хўжаликлари.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – қадимдан сугорилиб келинаётган, ирригация эрозиясига чалинган тупроқлар шароитида қияликнинг ювилган қисмида кўчат қалинлигини ортиши пахта ҳосилини 2,6-5,0 ц/га, маъдан ўғитларни қўлланилганда 3,1-4,6 ц/га оширади. Қияликнинг тупроғи ювилган қисмида кўчат қалинлигининг юқори бўлиши (120-130 минг туп/га) пахта ҳосилини 4,2-6,6 ц/га камайтиради. Ирригация эрозиясига учраган ерларда юқори пахта ҳосили етиштириш учун қияликни эрозиясига учраган ерларда юқори пахта ҳосили етиштириш учун қияликни тупроғи ювилган қисмида кўчат қалинлигини ошириш, тупроғи ювилган қисмида кўчат қалинлигини камайтириш, маъдан ўғитлар $N_{200} P_{140} K_{100}$ кг/га меъёрда қўлланилганда эришилади.

Тадқиқот обьектиning ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – илмий асосланган тавсиялар ирригация эрозиясига учраган ерлар шароитларида фаолият юритаётган фермер хўжаликлида қўллаш пахта ҳосилини ортишини таъминлайди.

ҚҲА-7-018 (2012-2014, ПСУЕАИТИ Жиззах ИТС, Х.Махсадов)
“Жиззах вилоятининг ўтлоки-бўз тупроқлари шароитида шўрланиш жараёнини олдини олиш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш технологияси элементларни такомиллаштириш”, мавзусидаги илмий-амалий лойиха бўйича якуний ҳисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – Жиззах вилоятининг ўртача даражада шўрланинг ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида шўрланинг ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида шўрланинг ўғитларни тақомиллаштирилган самарадор усуллари ва меъёрлари, маҳаллий ювишнинг тақомиллаштирилган самарадор усуллари ва меъёрлари, маҳаллий

ўғитларни қўллаш меъёрларини 45-50 фоизга камайтириш, ғўзани сугорища сувни ерга шимилиб исроф бўлиши ҳамда ҳавога буғланиб кетишини олдини олиш мақсадида сув ва энергияни тежайдиган технологиялар ўрганилди ва улардан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Жорий экиш бўйича тавсиялар – Жиззах вилоятининг ўртача даражада шўрланган бўз тупроқлари шароитида соғлом ва бир текис кўчат ундириб олиш, ғўзанинг ўсиши ва ривожланишини жадаллаштириш, юкори ва сифатли пахта ҳосили олиш учун декабрь-январь ойларида 3500-4000 м³/га меъёрда шўр ювиб, фосфорли ва калийли ўғитларни йиллик (Р₁₁₂, К₈₀ кг/га соф ҳолда) меъёрини 5 т/га маҳаллий ўғит (гўнг) билан бирга пушта остига 15-16 см чукурликка лента шаклида солиб, бир йўла чигит экиш ва ғўзани шоналаш даврида қатор ораларини плёнка билан мульчалаш тавсия этилади.

Кўллаш соҳаси – қишлоқ хўжалиги: дехқончилик.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – тажрибада турли меъёрларда шўри ювилган варианларда заарли тузлар микдори 36,9-50,0 фоиз камайди, тупроқдаги намлик захираси 1,3-1,7 баробарга ошди. Ғўза қатор ораларини мульчалаб сугорилган варианларда ҳар гектар ерни сугорища 300-450 м³ (20 фоиз) сув иқтисод қилинди, техника хизмати ва ёнилғи мойлаш материаллари 30-35 фоизга тежалди, далани бегона ўт босиши 2 марта камайди, пахтани пишиши 8-10 кунга тезлашди. Пахта ҳосилдорлиги шўр ювиш хисобига 6,1-12,0 ц/га, мульчалаб сугориш хисобига 2,5-5,1 ц/га, маҳаллий ўғит солиш хисобига 1,6-1,8 ц/га ошди.

Тадқиқот обьектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида сув тежайдиган сугориш технологияларини кенгроқ майдонларга жорий этиш кўзда тутилган.

ҚХИ-5-071-2013 (2013-2014, ПСУЕАИТИ, Ж.Шодмонов)
“Мирзачўлнинг шўрланган шўрхок ерларида голофитларни етиштириш агротехнологиясини жорий қилиш” мавзусидаги инновацион лойиха бўйича якуний хисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – шўрланган шўрхок ерларида голофит экинларни етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш билан тупроқ шўрланишининг олди олинади ва чорва моллари учун озуқа базасини яратиш имкони туғилади. Ҳосилдорлиги: “Қорабош” нави кўк массаси 160,3 ц/га (куруқ массаси эса 41,5 ц/га), “Ўзбекистон-18” нави 181,5 ц/га, (48,3 ц/га) ве Африка қўноғининг “Хашаки-1” нави 151,4 ц/га, (38,4 ц/га). Ҳосилдорликни 2013 йилга нисбатан ошиши: “Қорабош” нави кўк массаси +32,8 ц/га, куруқ

массаси эса +8,0 ц/га; “Ўзбекистон-18” навининг кўк массаси -42,5 ц/га, куруқ массаси -6,5 ц/га; Африка қўноғининг “Хашаки-1” нави кўк массаси +46,7 ц/га, куруқ массаси +6,2 ц/га.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – республика фермер хўжаликларида голофит экинларининг кенг қамровли дала синовларини ўтказиш режалаштирилмоқда.

Кўллашиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги: дехқончилик.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – Мирзачўл голофитларни етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқилди, тупроқнинг шўрланишини имкон қадар олдини олишга эришилди ва чорва моллари учун озуқа базасини яратиш таъминланди.

Тадқиқот обьектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – шўрланган шўрхок ерларида голофитларни етиштириш агротехнологияси шўрхок ерларда кенг жорий этиш режалаштирилмоқда.

ҚХА-9-012 (2012-2014, ПСУЕАИТИ, А.Авлиёқулов) “Янги тизимдаги мелиоратив минтақа гидромодул ҳудудлар бўйича районлаштирилган (андаза), истиқболли, янги-ўрта-ингичка толали ғўза навларини кўчат қалинлиги, сув-ўғит (NPK) меъёр-нисбатлари, сугориш тартибларини илмий асослаш ва амалиётга жорий этиш” мавзусидаги илмий-амалий лойиха бўйича якуний хисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – Тошкент вилояти типик бўз тупроқлар шароитида “Андижон-37” ғўза навидан сугориш олди тупроқ намлиги ЧДНС ға нисбатан 70-75-60% да, ўғитлар меъёри N-190, P-133, K-95 кг/га қўлланилганда 48,1 ц/га, “ЎзПИТИ-2201” ғўза навидан сугориш олди тупроқ қўлланилганда 48,9 ц/га, “Оқдарё-8” ғўза навидан сугориш олди 110кг/га қўлланилганда 48,9 ц/га, “Оқдарё-8” ғўза навидан сугориш олди тупроқ намлиги ЧДНС ға нисбатан 70-70-60% да, ўғитлар меъёри N-190, P-133, K-95кг/га қўлланилганда 51,1 ц/га, “Ўнқўргон-1” ғўза навидан сугориш олди тупроқ намлиги ЧДНС ға нисбатан 70-75-60% да, ўғитлар меъёри N-220, P-154, K-110кг/га қўлланилганда 50,1 ц/га ҳосил олинди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – типик бўз тупроқлар шароитида “Андижон-37” ғўза навини сугориш ЧДНС ға нисбатан сугориш олди тупроқ намлиги 70-75-60% да, ўғитлар меъёрини N-190, P-133, K-95 кг/га, “ЎзПИТИ-2201”, “Ўнқўргон-1” ғўза навларини сугориш ЧДНС ға нисбатан сугориш олди тупроқ намлиги 70-75-60% да, ўғитлар меъёри N-220, P-154, K-110кг/га, “Оқдарё-8” ғўза навини эса сугориш ЧДНС ға нисбатан сугориш олди тупроқ

намлиги 70-70-60% да, ўғитлар меъёрини N-190, P-133, K-95кг/га кўллаш тавсия қилинади.

Құлланиш соҳаси – қишлоқ хұжалиги: пахтачилик.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – янги гўза навлари учун ишлаб чиқилган такомиллашган агротадбирлар тизимини жорий этилиши орқали Республика фермер хўжаликларида пахта ҳосилдорлиги гектарига андаза навларига нисбатан кўшимча 6-8 центнергача кўпаяди. Рентабеллик даражаси 20-25% га ортади.

Тадқиқот объектининг ривожланиши бўйича прогноз таклифлар: янги ва истиқболли ғўза навларини парваришлиш агротадбирлар тизимини агротавсиялар кўринишида чоп этиб, фермер хўжаликларига етказилиши таъминланади. Ушбу агротавсияларга тўлиқ амал қилиниши натижасида юқори самарадорликка эришилади.

ҚХА-7-008 (2012-2014, ПСУЕАИТИ, Ш.Нурматов) “Республиканинг турли тупроқ (Тошкент, Сирдарё, Қашқадарё, Бухоро вилоятлари) шароитларида ғўза қатор ораларига ишлов беришнинг оптимал чукурлиги ва сонини аниқлаш ҳамда фермер хўжаликларида жорий этиш” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа бўйича якуний хисоботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – Республикализнинг қадимдан сугорилиб келинаётган, Тошкент вилоятининг типик бўз, Сирдарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз, Қашқадарё вилоятининг тақирсимон ҳамда Бухоро вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида ғўза қатор ораларига табақалаб ишлов беришнинг илмий-амалий самарадорлиги аникланди. Тупроққа ишлов чуқурлигининг ўзгариши ўсимликнинг ўсиш ва ривожланишига турлича таъсир қилиб, мунтазам саёз (5-6 см) культивация ўтказиш ғўзани ўсиш-ривожланишига салбий таъсир қилди. Культивация чуқурлигини табақалашган ҳолда танлаш ўсимликнинг ривожланишини яхшиланишига, ҳосил шохларини 2,5-5,0 донага, кўсаклар сони 2,4-5,0 донага ортишини таъминлади. Энг яхши натижа биринчи культивация 16-18 см чуқурликда, кейингилари 14-16 см чуқурликда ҳамда бир марта ғўза 3-4 чин барг чиқарган даврда ғўза қатор оралари 20-22 см чуқур юмшатилганда олинди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – ғўздан эртаги, юқори ва сифатли пахта ҳосили этишириш учун ғўза қатор ораларига биринчи ишловни 16-18 см, кейингиларини 14-16 см чуқурликда ўтказиш, яганалаш олдидан 23-25 см чуқур юмшатиш тавсия этилади.

Күлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги: пахтачилик.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – фўза қатор ораларига ишловлар табакалаб ўтказилганда, доимо бир хил чукурликда ишлов берилганга нисбатан пахта ҳосилдорлиги 1,5-3,0 центнерга ошиди. Дастреб 16-18 см чукурликда ишлов бераб, яганалашдан олдин 20-22 см. гача чукур юмшатиб, кейинги ишловларни 14-16 см чукурликда ўтказиш тупроқнинг сув-физик хоссалари, ўсимлик илдизи ва устки қисмининг ўсиш – ривожланиши ҳамда ҳосил тўплашига ижобий таъсир кўрсатди. 4,5-5,10 ц/га қўшимча пахта ҳосили етиштирилди.

Тадқиқот объектиниң ривожланиши бўйича прогноз таклифлар –
Республикамизнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида фаолият юритаётган
фермер хўжаликлари амалиётига жорий этилади.

КХА-7-020 (2012-2014, ПСУЕАИТИ Қашқадарё ИТС, Т.Ражабов)
“Жанубий худудларнинг тупроқ-иклим шароитларида ўрта ва кучли шўрланган тупроқларида янги, истиқболли ғўза навларини етиштириш-технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш” мавзусидаги илмий-амалий лойиха бўйича якуний ҳисоботнинг
РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – энг юқори пахта ҳосили шўр ювишдан олдин гектарига 30-40 тонна гўнг бериб, сўнг тупроқ шўри ювилган даладан олинди. Ўртacha шўрланган дала 2 марта шўри ювилиб, умумий сув микдори бир гектар майдонга ўртacha 4000 метр куб сарфланганда ўртacha 44 центнер, кучли шўрланган дала 3 марта шўри ювилиб, умумий сув микдори гектарига ўртacha 5400 метр куб сарфланиб ўртacha 39 центнер ҳосил олинди.

Үртача ва кучли шүрләнгән майдонларга шүрттән, гектар майдон ҳисобига 30-40 тоннадан гүңг бериб шүр ювиш, гүзанинг “Бухоро-102” ва “ЎзПТИ-2601” навларидан энг юқори ҳосил олишга имконият яратди ва ҳосилдорлик тегишлича гектаридан 43-44 ва 39-40 центнерни ташкил қилди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – сугориладиган шўрланган майдонларда кузги шудгор остига гектарига 30-40 тоннадан гўнг бериб, сўнг ўрта шўрланган ерларни 2 марта, кучли шўрланган ерларни 3 марта тупроқ шўрини ювиш қишлоқ хўжалик экинларидан биринчи йилидан мўл ва сифатли юқори ҳосил олишга имконият беради.

Тадқиқот натижалари Касби туманинг “Юксалиш” ММТПга қарашпи “Илҳом Исламович Курбонов” фермер хўжалигида 4 гектар

майдонида дастлабки синовдан ўтказилди ва гектаридан 40-44 центнердан ҳосил олишга эришилди.

Қўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги: пахтачилик.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – шўр ювишдан олдин шудгор остига гектарига 30-40 тонна гўнг бериш, гектарига 10, 20 тонна гўнг берилганга нисбатан ҳосилдорликни ўртacha шўрланган ерларда 12-14 центнерга, кучли шўрланган ерларда 8-10 центнерга ошириш имкониятини беради.

Тадқиқот объектиning ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – тадқиқот натижалари Қашқадарё вилоятининг турли даражада шўрланган ерларида дехқончилик қилаётган фермер хўжаликлари амалиётига кенг жорий этилади.

ҚХА-9-008 (2012-2014, ПСУЕАТИ, Ш.Абдуалимов) “Маҳаллий шароитда ишлаб чиқилган Узгуми ва Энто жеан стимуляторларини ғўзада қўллаш, ҳосил элементлари тўкилишини камайтириш ва пахта ҳосилдорлигини оширишнинг юқори самарадор технологиясини ишлаб чиқиши” мавзусидаги илмий-амалий лойиха бўйича якуний ҳисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – Республикализнинг турли тупроқ-иклим шароитларида Узгуми ва Энто жеан стимуляторларини ғўзада қўллашнинг мақбул меъёри ва муддатлари илмий асосланди. Стимуляторлар қўлланилганда ниҳолларининг униб чиқиши, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, куруқ массаси, барг юзаси, фотосинтез соф маҳсулдорлиги, ҳосил элементлари тўкилиши, пахта ҳосили, тола ва чигит сифатига таъсири илмий тадқиқ қилинди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – пахтакор фермер хўжаликлари чигитлар униб чиқишини тезлаштириш, ғўзани жадал ўсиши, эртаки ва юқори пахта ҳосили етиштириш учун Узгуми стимулятори билан чигитни экиш олдидан 0,7-0,8 л/т меъёрида, ғўзани шоналаш даврида 0,3 л/га ва гуллаш даври бошида 0,4 л/га меъёрида ишлов бериш, ғўзани бўйига ўсишини секинлаштириш, ғовлашини бартараф этиш ва ҳосил элементларни тўкилишини камайтириш ҳамда кўл меҳнати, ёнилғи-мойлаш маҳсулотларни ва бошқа ресурсларни тежаш мақсадида шоналаш, гуллаш ва ҳосил тугиш давларида Энто жеан билан 15+45+90 г/га меъёrlарда 3 марта ёки ғўзада 13’ 14 ҳосил шохи тўпланган даврда 105 г/га меъёrdа 1 марта ишлов бериш тавсия этилади.

Қўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги: пахтачилик.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – маҳаллий хомашё Ангрен кўмир қолдиқлари асосида ишлаб чиқарилган Узгуми стимулятори чигитга экиш олдидан ва ғўзанинг шоналаш-гуллаш давларида қўлланилганда чигитнинг униб чиқиши 8-10 фоизга тезлашиб, ниҳолларни ўсиши ва ривожланиши авжлашади, пахта ҳосилдорлиги 10-15% ортади. Энто жеан билан ғўзани шоналаш, гуллаш ва ҳосил тугиш давларида 15+45+90 г/га меъёrlарда 3 марта ёки 13-14 ҳосил шохи тўпланганда 105 г/га меъёrdа 1 марта ишлов берилганда, ҳосил элементлари сони кўпайиб, тўкилиши камаяди, қўлда ва механизм ёрдамида ғўзани чилпишга ҳожат қолмайди, қўл меҳнати, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ва бошқа ресурслар тежалади, пахта ҳосили 15-20 фоизга ортиб, иқтисодий самарадорликка Эришилади.

Тадқиқот объектиning ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – самарадор технологияларни Республикализнинг турли тупроқ ва табиий иқлим шароитларида пахтакор фермер хўжаликларида катта майдонларда жорий этиш мўлжалланган.

ҚХИ-5-039-2013 (2013-2014, ПСУЕАТИ, Ш.Абдуалимов) “Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида ғўзани етиштиришда биостимуляторни қўллаш ва сугоришнинг сув тежовчи технологиясини ҳамда тақирсимон тупроқларда чигитни кўшқатор экшини фермер хўжаликларида жорий қилиш” мавзусидаги инновация лойиха бўйича якуний ҳисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – Қашқадарё ва Жиззах вилоятлари тупроқ-иклим шароитларида сугориш сувлардан самарали фойдаланиш, қатор ораларига плёнка ва сомон тўшаб сугориш, ғўза парваришида биостимуляторлардан фойдаланиш ва ғўзани кўшқатор усулида парваришлаш агротехнологиялари фермер хўжаликларида кенг синовдан ўтказилди ва катта майдонларга жорий этилди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – Қашқадарё вилоятининг тоғолди минтақаси, унумдорлиги паст, ер ости сувлари насослар орқали чиқарилиб сугориладиган, оч тусли бўз тупроқлари шароитида юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштириш ҳамда сугориш сувларидан самарали фойдаланиш учун ғўза қатор ораларига кора плёнка тўшаб сугориш, шоналаш ва гуллаш даври бошида Узгуми биостимулятори билан 0,3-0,4 л/га меъёра ишлов бериш, ғўза қатор ораларига плёнка тўшаб сугориш, шоналаш ва гуллаш даври бошида Узгуми биостимулятори билан 0,3-0,4 л/га меъёра ишлов бериш, Жиззах вилояти шароитида юқори ва эртаги пахта ҳосили етиштириш учун ғўза қатор ораларига плёнка тўшаб сугориш, Қашқадарё вилоятининг

кўшқатор усулида парваришлиш технологияларини кенг жорий этиш тавсия этилади.

Қўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги: пахтачилик.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – Қашқадарё ва Жиззах вилоятлари шароитида унумдорлиги паст, сув тақчил, оч тусли бўз ва тақирсимон тупроқлар шароитида ва кучсиз шўрланган ўтлоқи бўз тупроқларда суғориш сувлари 15% гача иқтисод қилинади, гўздан эртаги, мўл ва сифатли пахта ҳосили етиширилади, иқтисодий самарадорлик 7-10 фоизга ортади.

Тадқиқот объектиниң ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – илмий натижаларни Қашқадарё ва Жиззах вилоятлари тупроқ ва табиий иқлим шароитларида пахтакор фермер хўжаликларида катта майдонларда жорий этиш кўзда тутилган.

ҚХИ-5-066-2013 (2013-2014, ПСУЕАИТИ Фарғона ИТС Р.Мусаев)
“Фарғона вилоятиниң ўтлоқи соз тупроқлари шароитида кўшқаторлаб экилган ғўзанинг “ЎзПИТИ-2201” нави агротехнологиясини такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш” мавзусидаги инновация лойиҳа бўйича якуний ҳисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – Фарғона вилоятиниң ўтлоқи соз тупроқлари шароитида ғўзанинг кўшқаторлаб экилган “ЎзПИТИ-2201” навининг агротехнологияси такомиллаштирилди ҳамда бу навининг алоҳида морфобиологик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда мутахассис ва фермер хўжаликлари учун тавсиялар берилди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – “ЎзПИТИ-2201” ғўза нави 2014 йилда Фарғона вилоятида кўшқатор усулида 22 минг гектар майдонда экилиб, ўртacha 34 ц/га ҳосил олинди. Келгуси йилда ҳосилдорликни янада ошириш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Кўшқатор усулини туманлар худудидаги кумоқ, тош-шағалли, унумдорлиги паст ҳамда ер ости сувлари чуқур жойлашган майдонларга жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Қўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги: пахтачилик.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – фермер хўжаликларида экин майдонларини камайтирган ҳолда ғўзани кўшқаторлаб экиб, тўлиқ кўчат ва юқори ҳосил олишдан иборат.

Тадқиқот объектиниң ривожланиши бўйича прогноз таклифлар
Фарғона вилояти фермер хўжаликларида кўшқаторлаб экишни 30 минг гектар ерга жорий килиш режалаштирилмоқда.

КХА-9-026 (2012-2014, ПСУЕАИТИ Хоразм ИТС, И.Машарипов)
“Республиканинг шимолий ҳудудлари тупроқ-иқлим шароитида янги “Хоразм-150”, “Ибрат” ва “Парвоз” ғўза навларини парваришлиш агротехнологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа бўйича якуний ҳисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – ғўзанинг “Ибрат” навида энг мақбул кўчат қалинлиги 90-100 минг туп/га, чилпиш тадбирини 13-14 ҳосил шохи пайдо бўлганда, “Парвоз” навида кўчат қалинлигини 110-120 минг туп/га, чилпиш тадбирини 11-12 ҳосил шохи пайдо бўлганда ўтказиш самарали эканлиги асосланди. Азотли ўғитларни 200 кг /га, фосфорли ўғитларни 140 кг/га ва калийли ўғитларни гектарига 100 кг.дан кўллаш юқори ҳосил етишириш учун энг мақбул меъёр эканлиги аникланди.

Жорий этиш бўйича тавсиялар – “Ибрат” ғўза навининг минерал ва маҳаллий ўғитларга ҳамда сувга бўлган талаби нисбатан юқори, шунинг учун мазкур навни Урганч ва Хонқа туманларида, “Парвоз” навини эса сувсизликка чидамлилиги туфайли сув таъминоти оғирроқ бўлган Янгиарик, Кўшкўпир ва Хива ҳудудларида экишга тавсия этилади.

Қўлланиш соҳаси – қишлоқ хўжалиги: пахтачилик.

Иқтисодий самарадорлиги ёки ишнинг аҳамияти – ишлаб чиқилган агротехнология асосида пахта етиширилса, “Ибрат” ва “Парвоз” ғўза навларидан гектар ҳисобига 5-6 центнердан олинган қўшимча ҳосил эвазига фермер хўжаликларининг иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланади.

Тадқиқот объектиниң ривожланиши бўйича прогноз таклифлар – “Ибрат” навининг сув таъминоти етарли бўлган Урганч ва Хонқа туманларида экилиши, “Парвоз” навини сув таъминоти оғирроқ бўлган Янгиарик, Кўшкўпир ва Хива ҳудудларида 3000 гектар майдонга кўш қатор схемада экиб, туп сонини 140 минг туп/га етказиб, пахтадан 40-45 ц/га ҳосил олиш мумкин.

КХА-7-007 (2012-2014, ПСУЕАИТИ, Б.Халиков) “Суғориладиган майдонларда тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ҳамда ғўза ва ғўза мажмуудаги экинлардан юқори ҳосил етиширишда янги алмашлаб экиш тизимларини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа бўйича якуний ҳисботнинг

РЕФЕРАТИ

Ишнинг натижалари – Республикализнинг типик бўз, тақирсимон ҳамда ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитларида тупроқнинг агрокимёвий ва агрофизикаий хоссаларини ижобий томонга ўзгарирадиган, яъни тупроқдаги чиринди микдорини 0,025-0,035% га, азот микдорини 0,012-